

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:338.48(560)
ББК:65.433(5 Тури)
О-14*

ОБИДОВ МОХИРХОН ЮНУСХОДЖАЕВИЧ

**ТУРКИЯДА ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

Мутахассислиги: 5А341001 – Мамлакатлар минтақашунослиги: иқтисодиёт ва
мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н. Хусанов Ч.К.

ТОШКЕНТ – 2012

Магистрлик диссертацияси ҳимояга тавсия этилади

Магистратура бўлими

бошлиғи

Ҳабибуллаев А.

КИРИШ.....

1-БОБ. ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Туризм ривожланишини ўрганишнинг илмий-назарий асослари
- 1.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва ундан кейинги даврда халқаро туризм ривожланиши тенденциялари

2-БОБ. ТУРКИЯДА ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

- 2.1. Туркияда туризм соҳаси ривожланишининг омиллари ва шарт-шароитлари
- 2.2. Туркия туризми ривожланишининг замонавий ўзгаришлари
- 2.3. Жаҳон молиявий инқирози шароитида Туркия тажрибасидан Ўзбекистон туризмини ривожлантириш жараёнида фойдаланиш имкониятлари

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Сўнгги йилларда туризм жаҳон иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланаётган сектори ва йирик экспорт саноатига айланиб бормоқда. Туризмнинг миллий иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрни нафақат унинг юқори даромад келтириши, балки меҳнатталаб саноат иш ўринларини яратиш орқали бандлик муаммосини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатиши, табиий ва маданий муҳитни асраши орқали барқарор ривожланишни таъминлашда асосий роль ўйнаши ҳамда халқлар ва миллатлараро тотувликни таъминлашга сезиларли ҳисса қўшиши билан ҳам белгиланади.

Туризмнинг миллий иқтисодиёт учун аҳамиятини оширувчи яна бир жиҳат шундан иборатки, у йирик миқдорда молиявий ресурсларни жалб этади, мазкур ресурсларнинг айланиш тезлигини оширади, инвестиция фаоллигини яхшилайти, шунингдек, транспорт, савдо, саноат каби иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожланишига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Жаҳонда ва жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида туризмнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишда тутган роли ўсиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон ва мамлакатимиз минтақаларида туризм ривожланишининг ҳозирги ҳолати қатор зиддиятлар билан тавсифланади. Бир томондан, Ўзбекистон бой табиий-географик ва тарихий-маданий ресурсларга эга, мамлакатда кўп укладли туристик-рекреацион тармоқ шаклланган ва фаолият кўрсатаёпти, туристик корхоналар сони ўсиб бораяпти, иккинчи томондан, туристик ресурслар мамлакат минтақалари бўйлаб текис тақсимланмаган, улардан фойдаланиш даражаси анча паст ва туризм соҳасининг жами хизматлардаги улуши атиги 0,2 фоизни, ялпи ички маҳсулотдаги улуши 0,01 фоизни ташкил этади, холос¹.

¹Статистическое обозрение Узбекистана 2011. Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2012. – с.28

Шу муносабат билан туризм ривожланиши бўйича жаҳонда етакчи мамлакатлар, хусусан, Туркия Республикаси тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм ривожланишининг назарий-услубий асослари, жаҳон туризм бозори ва ундаги таркибий ўзгаришлар, туризм соҳасининг миллий иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрни ва роли, халқаро ва миллий туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш масалалари кўплаб хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари тадқиқотларида батафсил ўрганилган.

Туризм ривожланишига оид тадқиқотларни шартли равишда бир нечта йўналишларга ажратиш мумкин.

Туризм географияси, жаҳон минтақалари ва мамлакатларининг табиий-географик, туристик-рекреацион салоҳияти ва имкониятлари Азимов А., Александрова А.Ю., Воскресенский В.Ю., Косолапов А.Б., Севастьянов Д.В., Сенин В.С., Ушаков Д.С., Щербакова С.А. ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган².

Туризм иқтисодиёти, туризм ривожланишининг иқтисодий қонуниятлари, мазкур соҳада инвестиция сиёсати, нарх шаклланиши, туризм бозори конъюнктураси каби масалалар Балабанов И.Т., Биржаков М.Б., Боголюбов В.С., Бурменко Т.Д., Быстров С.А., Веткин В.А., Драчева Е.Л., Жукова М.А., Замедлина Е.А., Здоров А.Б., Каурова А.Д., Кусков А.С.,

² Азимов А. Путеводитель по науке. От египетских пирамид до космических станций / Пер. с англ. – М.: Центрполиграф, 2007; Александрова А.Ю. Международный туризм. – М.: ГРИФ, 2004; Воскресенский В.Ю. Международный туризм: учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007; Косолапов А. Б. Менеджмент в туристической фирме: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2007; Севастьянов Д.В. Основы страноведение и международного туризма: учеб. пособ. – М.: Академия, 2008; Сенин В.С. Организация международного туризма. – М.: Финансы и статистика, 2001; Ушаков Д.С. Технологии выездного туризма: Учеб. пособ. — Изд. 2-е. –М.: ИКЦ «МарТ»; 2007; Щербакова С.А. Международный туризм: экономика и география: учеб. пособ. – М.: Финансы и статистика, 2007.

Морозов М.А., Соколова М.В. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритиб берилган³.

Туристик бизнесни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари, туристик ташкилотлар менежменти, маркетинг ва унинг концепциялари, туристик маҳсулотни реализация қилиш усуллари Багиев Г.Л., Барышев А.Ф., Бутко И.И., Веткин В.А., Волков Ю.Ф., Восколович Н.А., Грачева О.Ю., Дурович А.П., Жукова М.А., Зайцева Н.А., Кабушкин Н.И., Квартальнов В.А., Косолапов А.Б., Котлер Ф., Лукина А.В., Морозов М.А., Пузакова Е.П., Тимохина Т.Л., Холловой Дж.К., Чудновский А.Д. ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил этилган⁴.

Драчева Е.Л., Квартальнов В.А., Храбовченко В.В., Христов Т.Т. ва бошқаларнинг илмий ишлари халқаро туризмнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг назарий жиҳатлари, миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва роли,

³ Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М: Финансы и статистика, 2000; Биржаков М.Б., Нификов В.И. Большой глоссарий терминов международного туризма. – М: 2002; Боголюбов В. С. Экономика туризма: Учеб. пособ.— М.: «Академия», 2005; Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика: учеб. пособ.— М.: КНОРУС, 2007; Быстров С.А., Воронцова М.Г. Туризм: макроэкономика и микроэкономика. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2008; Веткин В. А. Технология создания туристского продукта. – М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2008; Драчева Е.Л., Забаев Ю.В., Исмаев Д.К. и др. Экономика и организация туризма: международный туризм: учеб. пособ.— 3-е изд., испр. и доп. – М.: КНОРУС, 2007; Жукова М.А. Индустрия туризма: менеджмент организации. – М: Финансы и статистика, 2006; Замедлина Е.А., Козырева О.Н. Экономика отрасли: туризм: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2007; Здоров А. Б. Экономика туризма: Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2007; Каурова А.Д. Организация сферы туризма: Учеб. пособ.- Издание 3-е, переработанное и дополненное.- СПб.: «Издательский дом Герда», 2008; Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: Учеб. – М.: КНОРУС, 2008; Морозов М.А. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: учебник - М.: «Академия», 2007; Соколова М.В. История туризма: учеб. пособ. 5-е изд., стер. – М.: Академия, 2008.

⁴ Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. учеб. - СПб.: Питер, 2008; Барышев А.Ф. Маркетинг в туризме и гостеприимстве: учеб. пособие /А.Ф. Барышев. – М.: Финансы и статистика, 2007; Бутко И.И. и др. Туристический бизнес: основы организации. Изд. 2-е. – Ростов н/Д: Феникс, 2008; Веткин В. А. Технология создания туристского продукта. – М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2008; Волков Ю.Ф. Гостиничный и туристский бизнес. - Ростов н/Д: Феникс, 2008; Восколович Н.А. Маркетинг туристских услуг: Учеб. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009; Грачева О.Ю. и др. Организация туристического бизнеса: технология создания турпродукта: Учеб.-практ. пособ. – М.: Дашков и К, 2009; Дурович А.П. Маркетинг в туризме. Минск: ООО «Новое знание», 2006; Жукова М.А. Индустрия туризма: менеджмент организации. – М: Финансы и статистика, 2006; Зайцева Н.А. Менеджмент в сервисе и туризме: учеб. пособ. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2007; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: учеб.— 7-е изд., стер. – Мн.: Новое знание, 2007; Квартальнов В.А. Туризм: учебник.-2-е изд., перераб.- М.: финансы и статистика, 2007; Косолапов А. Б. Менеджмент в туристической фирме: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2007; Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс. – М.: «Вильямс», 2008; Лукина А.В. Маркетинг товаров и услуг: учеб.пос. - М.:ФОРУМ, 2008; Морозов М.А. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: учебник - М.: «Академия», 2007; Пузакова Е.П. Международный туристский бизнес. – М.: «Издательство ПРИОР», 2001; Пузакова Е.П. Международный туристский бизнес. – М.: «Издательство ПРИОР», 2001; Тимохина Т.Л. Организация приема и обслуживания туристов: учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2008; Холловой Дж.К. Туристический маркетинг: пер. с 4-го англ. изд. – К.: Знания, 2008; Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2007.

туристик оқимлар ривожланишига таъсир этувчи омиллар каби масалаларга бағишланган⁵.

Туризм соҳаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, халқаро туризмнинг миллий хўжаликлар ривожланишига таъсири, туризмда маркетинг концепциясини қўллаш каби масалалар бўйича хорижлик иқтисодчи-олимлар, жумладан, Котлер Ф., Боуэн Дж., Кастер В., Мейкенз Дж., Фостер Д. ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁶.

Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланишининг асосий йўналишлари, унинг назарий-услубий жиҳатлари, миллий туристик маҳсулот шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, туризмни ривожлантиришда маркетингнинг роли, туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ва уни такомиллаштириш масалалари ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар – Камилова Ф., Норчаев А., Саидов А., Тошмурадов Т., Тўраев Б., Тўхлиев Н., Файзиева Н., Ҳамидов О. ва бошқалар томонидан ўрганилган⁷.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқот ишининг асосий мақсади Туркия Республикасида туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш ва туризм ривожланиши бўйича Туркия тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

⁵ Драчева Е.Л., Забаев Ю.В., Исмаев Д.К. и др. Экономика и организация туризма: международный туризм: учеб. пособ. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: КНОРУС, 2007; Квартальнов В.А., Зорин И.А. и др. Туризм как вид деятельности. – М.: Финансы и статистика, 2001; Храбовченко В.В. Экологический туризм: учеб.-метод. пособие. – М.: Финансы и статистика, 2007; Христов Т. Т. Религиозный туризм: учеб. пособ. — 3-е изд., испр. — М.: Издательский центр «Академия», 2007.

⁶ Котлер Ф. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007; Gee Ch.Y., Makens J.C., Chey D. The Travel Industry. – 3d Edit. – New York: John Wiley and Sons. Inc. 1997; Foster D. VIP: An Introduction to Hospitality. Lake Forest: Mc Graw-Hill, 1993; Caster W. Tourism Development: Principles, Price and Policies. – New York: John Wiley and Sons. Inc. 1996; Kotler P., Bowen J., Makens J. Marketing for Hospitality and Tourism. – 2 th. Upper Saddle River: Printed Halle, 1998.

⁷ Камилова Ф.К. Мукамал туризм ғояси. // Иқтисодиёт ва таълим. – 2003. №2.; Камилова Ф.К. Меҳмонхона ва ресторан хўжалиги маркетинги. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007; Норчаев А.Н. Халқаро туризмнинг Испания иқтисодиётидаги аҳамияти. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2001; Саидов А. Система туризма и механизм адаптации ее к рынку. – Т: Кибернетика, 1992; Ташмуратов Т., Саидов А., Умаркулов Э. Туризм иқтисоди. – Т: ТМИ, 2000; Тураев Б. Туристско-рекреационный потенциал Самаркандской области. //Рынок, деньги и кредит. – 2004; Файзиева Н. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришнинг қонунчилиги асосари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. – 1997; Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Экономика большого туризма. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2001; Ҳамидов О. Сколько стоит турпродукт. //Экономическое обозрение. – 2005.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсадга мувофиқ ишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- турли иқтисодий қарашлар ва ёндошувларни таҳлил қилиш асосида туризмнинг иқтисодий тизим сифатидаги моҳиятини очиб бериш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва ундан кейинги даврда халқаро туризм ривожланиши тенденцияларини аниқлаш
- Туркияда туризм соҳаси ривожланишининг омиллари ва шарт-шароитларига баҳо бериш;
- Туркия туризми ривожланишининг замонавий ўзгаришларини таҳлил қилиш;
- жаҳон молиявий инқирози шароитида Туркия тажрибасидан Ўзбекистон туризмининг ривожлантириш жараёнида фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти этиб Туркияда туризм ривожланиши жараёни танлаб олинди. Тадқиқот предмети бўлиб туризм соҳасининг ривожлантириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва маркетинг тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида иқтисодий-статистик, тизимли таҳлил, таққослаш, монографик кузатиш SWOT таҳлил ва бошқа замонавий илмий ўрганиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- турли иқтисодий қарашлар ва ёндошувларни таҳлил қилиш асосида туризмнинг иқтисодий тизим сифатидаги моҳияти очиб берилган;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва ундан кейинги даврда халқаро туризм ривожланиши тенденциялари аниқланган;
- Туркияда туризм соҳаси ривожланишининг омиллари ва шарт-шароитларига баҳо берилган;
- жаҳон молиявий инқирози шароитида Туркия тажрибасидан Ўзбекистон туризмининг ривожлантириш жараёнида фойдаланиш имкониятларига баҳо берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, жаҳон туризм бозоридаги кескин рақобат шароитида мамлакатнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш боғлиқ янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотдаги илмий ахборот, назарий хулоса ва амалий тавсиялардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида бакалавр ва магистрлар тайёрлашда, “Туризм”, “Маркетинг (туризм)” ва “Сервис (туризм)” йўналишларида ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Магистрлик ишининг тузилиши. Магистрлик иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Туризм ривожланишини ўрганишнинг илмий-назарий асослари

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг боши жаҳон иқтисодиётида ва халқаро иқтисодий муносабатларда чуқур сифат ўзгаришлари билан тавсифланади. Халқаро меҳнат тақсимоти асосида жаҳон хўжалиги мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг чуқурлашуви, мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий, илмий-техника алоқаларининг кенгайиши юз бермоқда. Бундай ўзгаришлар натижасида халқаро туристик алоқалар кенгайиб, халқаро туризмнинг жаҳон хўжалигига ва халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири кучаймоқда. Шу муносабат билан ҳар бир мамлакат ўзининг туристик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу тармоқни ривожлантиришга, туризм соҳасининг экспорт салоҳиятини оширишга ҳаракат қилади.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сингари туризм ривожланишини тадқиқ этишда энг аввало унга назарий жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Зеро, гарчи туризм узоқ тарихга эга бўлса-да, унга берилган таърифлар хилма хил ва туризмнинг моҳиятини очиб берувчи ягона таъриф ҳанузгача мавжуд эмас. А.П. Дурович таъкидлаганидек, “Туризм тушунчасининг турли таърифлари мавжуд ва бу таърифлар унинг турли жиҳатларини тавсифлаб беради. Туризм тушунчасига ягона таърифнинг мавжуд эмаслиги туризмни фан сифатида ўрганишнигина қийинлаштириб қолмасдан, туристик фаолият субъектларининг амалий фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади”⁸.

Туризм фаолияти – ижтимоий ҳодиса сифатида кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятлидир. Демографик нуқтаи назардан у аҳолининг бир ҳудуддан

⁸ Дурович А.П. Организация туризма. – Мн.: ООО «Новое знание». 2002. – стр. 10

бошқа ҳудудга кўчиб юришини англатса, иқтисодий нуқтаи назардан аҳоли муайян қисмининг кўчиб юриши натижасида иқтисодий эҳтиёжларнинг юзага келиши, уларнинг қондирилиши муаммоларини ҳал этиш ва бошқа кенг қамровли иқтисодий жарёнларнинг юз беришини назарда тутати. Бошқача қилиб айтганда, туризм – бу саёҳат қилиш жараёнида юз берувчи воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсиридан иборат муносабатдир.

Туризмга берилган кўплаб таърифларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар ва мутахассислар қарашларини иккита гуруҳга умумлаштириш мумкин. Биринчи гуруҳ ушбу атамани тор маънода тавсифлайди ва туризмнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларига ёки унинг турларининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратади⁹. Бундай таърифлар аниқ вазифаларни ҳал этиш учун восита сифатида хизмат қилади.

Иккинчи гуруҳ туризм атамасига концептуал жиҳатдан ёндашади¹⁰ ва туризмга хос бўлган барча хусусиятлар ва муносабатларни яхлитликда ифодалаб, ушбу атаманинг ички мазмунини ёритиб беради. Бу таърифлар туризмнинг бошқа унга ўхшаш ва ўзаро боғлиқ ҳодисалардан фарқли жиҳатларини кўрсатиб беради.

Масалан, статистикада туризм деганда доимий яшаш ва иш жойини алмаштириш билан боғлиқ бўлмаган аҳоли миграциясининг бир шакли тушунилади¹¹. БМТнинг статистика комиссияси эса 1993 йилда туризмга шахсларнинг саёҳат қилишлари билан боғлиқ ва шахснинг дам олиш,

⁹ Рекомендации по статистике туризма. Статистические документы. /ООН, ВТО (пер. с англ.) Нью Йорк, 1994; Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма. – М.: Издательство РДЛ, 2005; Александров А.Ю. Международный туризм. – М.: Паспект Пресс, 2001; Леонард Л. Управление туризмом. М.: 1995; Папирян Г.А. Международные экономические отношения: Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 1999; Биржаков М.Б. Введение в туризм. – СПб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 1999; Ефремова М.В. Основы технологии туристского бизнеса. – М.: Издательство «Ось-89», 1999; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2000 ва бошқалар

¹⁰ Азар В., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка: Институт Международного туризма. – М.: ИПК госслужбы, 1998.; Дурович А.П. Организация туризма. – Мн.: ООО «Новое знание». 2002. – стр. 10; Квартальнов В.А. Иностранный туризм. – М.: Финансы и статистика, 2001; Пузакова Е.П. Международный туристический бизнес. – М.: «Издательство ПРИОР», 2001 ва бошқалар

¹¹ Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма. – М.: Издательство РДЛ, 2005. – стр 6

ишбилармонлик ва бошқа мақсадларда доимий яшаш жойидан бошқа жойдаги фаолияти сифатида таъриф берди¹².

Худди шундай таърифларни хорижий адабиётларда ҳам учратиш мумкин. Хусусан, америкалик олим Л. Леонард фикрича, “туризм атама сифатида кўпинча саёҳат тушунчаси мазмунини очиб бериш учун ишлатилади. Қоидага кўра, турист деганда фуқаронинг ўзининг доимий яшаш жойидан бир кундан ортиқ муддатга ва 5 миллдан узоқроқ масофага саёҳат қилиши кўзда тутилади”¹³.

Туризмга статистик жиҳатдан таъриф бериш зарурияти XX асрнинг бошларида вужудга келган бўлиб, туристлар оқимининг ўсиши, туризм иқтисодий аҳамиятининг ошиши ва шундан келиб чиққан ҳолда саёҳат қилаётган кишиларни ҳисобга олиш зарурияти билан изоҳланади.

Статистикада туризмнинг мезони сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

1. Одатдаги яшаш жойининг ўзгариши ёки одатдаги муҳитдан ташқарига чиқиш.
2. Кишиларнинг нисбатан қисқа муддатларда кўчиб юриши.
3. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлмаслиги ва мақсади¹⁴.

“Одатдаги муҳит” тушунчаси муомалага Саёҳатлар ва туризм статистикаси бўйича Оттава конференциясида киритилган бўлиб, ҳар куни уйдан ишга (ўқишга) ва ишдан (ўқишдан) уйга қатновчи кишиларни туристлардан фарқлаш учун киритилган. Бундай кишилар одатдаги муҳитни тарк этмайдилар ва шу сабабли ҳам турист ҳисобланмайдилар.

БТТнинг туризм бўйича тавсияларида одатдаги муҳит параметрлари икки кўрсаткич билан тавсифланади: объектга ташриф буюриш частотаси ва унинг узоқлиги. Шахс доимий ташриф буюрадиган жой гарчи у доимий яшаш жойидан жуда узоқ бўлса ҳам одатдаги муҳит ҳисобланади. Шу асосда

¹² Рекомендации по статистике туризма. Статистические документы. /ООН, ВТО (пер. с англ.) Нью Йорк, 1994

¹³ Леонард Л. Управление туризмом. М.: 1995. – стр.313

¹⁴ Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма. – М.: Издательство РДЛ, 2005. – стр.6-7

айтиш мумкинки, чегара ҳудудларда истиқомат қилувчи ва қўшни мамлакатда ишловчи ва чегарадан ташқарига кўплаб чиқувчи киши ҳам халқаро турист ҳисобланмайди.

Бундан ташқари кишиларнинг ташриф буюриш частотаси қандай бўлишидан қатъий назар яшаш жойига яқин бўлган объектлар ҳам одатдаги муҳит ҳисобланади. Масалан, кишининг қўшни музейга ёки театрда ташрифини туристик тадбир деб атаб бўлмайди ва шу сабабли бундай ташриф туризм статистикасида ўз аксини топмайди.

Одатдаги муҳит концепцияси турли хил баҳслар ва мунозараларга сабаб бўлаётганлигини таъкидлаш лозим. Бунда энг асосий масала ҳисобланган масофа ва объектга ташриф буюриш частотасининг чегаралари турли мамлакатларда турлича ҳал этилган.

Ташриф муддати туризм моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи иккинчи мезон ҳисобланади. Бу мезон одатдаги муҳит концепциясини янада ривожлантиради ҳамда туристлар ва экскурсантларни резидентлардан ажратиш имконини беради. Ташриф муддати 12 ой билан чекланади. Бундан ортиқ муддатга ташриф буюрган киши доимий яшовчи мақомини олади ва туризм статистикасида ҳисобга олинмайди. Ўзининг илгариги доимий яшаш жойига қисқа муддатга ташриф буюрган кишилар ушбу ҳудуд учун турист ҳисобланади. Жанубий Европада туристлар қабул қилиш бўйича етакчи мамлакатлар ҳисобланган Италия ва Испанияда ўз мамлакатига келувчи эмигрантлар туристларнинг катта қисмини ташкил этади.

Туризм моҳиятини ёритиб берувчи учинчи мезон – ташриф мақсади ҳисобланади. Бошқа ташриф буюрувчилардан фарқли ўлароқ туристик мотив туристларни ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳисобланиб, уларнинг мақсадлари расмий ҳужжатларда ва илмий адабиётларда кенг таснифлаштирилади. Туристларни статистик ҳисобга олишни енгиллаштириш мақсадида БТТ тавсияларига мувофиқ туристик мақсадлар бир нечта гуруҳларга бирлаштирилган: бўш вақтни мазмунли ўтказиш, рекреация, дам олиш, қариндошлар ва танишларга ташриф буюриш, касбий

ва тадбиркорлик мақсадлари, даволаниш, зиёрат қилиш ва бошқа туристик мақсадлар.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1954 йилда берилган таърифда: “Туризм – бу инсоннинг доимий яшаш жойидан ташқарига сафар қилгани ҳолда соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний камол топиш йўлидаги фаол дам олишидан иборат”¹⁵, - деб асосий мақсад сифатида соғлиқни мустаҳкамлаш ва жисмоний жиҳатдан камол топишни ажратиб кўрсатса, туризм бўйича БТТ томонидан 1981 йилда Мадридда ўтказилган умумжаҳон конференция материалларида: “у ёки бу жойларни томоша қилиш мақсадида спорт унсурларини ўзида мужассамлаштирган ҳолдаги фаол дам олиш турларидан биридир”¹⁶, - дея асосий мақсад сифатида томоша қилишни илгари суради.

Гарчи туристларнинг статистик тўплами бир қарашда хилма хил ва турли-туман кўринса-да, уларни бирлаштириб турувчи умумий асос мавжуд. Саёҳатларнинг муддати, географияси, транспорт воситалари бир-биридан фарқ қилса-да, улар бошқа жойга иш ва ҳақ тўланадиган фаолият излаб бораётган кишиларга қарама-қарши қўйилади.

Доимий яшаш жойидан бошқа жойда ишлаётган кишилар товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар ҳисобланадилар. Шу сабабли улар келиб ишлаётган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшиш билан бирга ишлаганлари учун муайян миқдордаги меҳнат ҳақиға ҳам эга бўладилар ва бу маблағларнинг бир қисмини ўзлари доимий яшаётган жойларига юборадилар.

Улардан фарқли ўлароқ туристлар ялпи ички маҳсулотнинг истеъмолчилари ҳисобланадилар. Сафар учун сарфланган харажатлар туристлар ва экскурсантларни миллий даромаднинг истеъмолчиларига айлантиради. Хорижий мамлакатларга ташрифнинг истеъмол характери жаҳон ҳўжалигида пул оқимининг муайян йўналишда ҳарактланишига олиб

¹⁵ Международные туристические организации. – М. 1990. – стр.8

¹⁶ Азар В., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка: Институт Международного туризма. – М.: ИПК госслужбы, 1998. – стр.20

келади. Туристлар ва экскурсантлар пул массасини доимий яшаётган мамлакатларидан қабул қилувчи мамлакат томон ҳарактланишини таъминлаб, ушбу мамлакатнинг бюджет тушумини оширишга хизмат қилсалар, иш учун ташриф буюрган фуқаролар бунга акс жараёни амалга оширадилар. Шу сабабли мақсадлари бир-биридан фарқ қилса-да, даволаниш, дам олиш, ишбилармонлик ёки зиёрат мақсадида бошқа мамлакатга ташриф буюрган кишиларни битта гуруҳга бирлаштириш мақсадга мувофиқ ва асосланган ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, туризмга статистик жиҳатдан ёндашиш туристларни ҳисобга олиш мақсадини кўзда тутиб, унинг ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатларига, туризмнинг яхлит бир тизим сифатида тавсифланишига етарли даражада эътибор қаратмайди.

Туризмга статистик жиҳатдан ёндашишга асосланган таърифлар туристларни саёҳат қилувчи бошқа шахслардан ажратиш имконини беради. Бундай қарашларни умумлаштириб, туристларни статистик тўплам сифатида аниқлашнинг қуйидаги алгоритминини таклиф қилиш мумкин (1.1.1-чизма).

Туризмга статистик таърифдан ташқари унинг баъзи миллий ҳуқуқий тизимлардаги таърифлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида туризмга шундай таъриф берилади: “Туризм – жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)”¹⁷ дан иборат.

“Россия Федерациясида туристик фаолият асослари тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида эса “Туризм – Россия Федерацияси фуқароси ва фуқаролиги йўқ шахсларнинг доимий яшаш жойидан ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда соғломлаштириш, маърифий, касбий-

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги қонуни. Халқ сўзи газетаси, 1999 йил 21 август

амалий, спорт, диний ва бошқа мақсадларда бошқа жой (мамлакат)га саёҳат қилишидан иборат”¹⁸, - деб таъриф берилади.

Бизнинг фикримизча, ҳар иккала қонунда туризмга берилган таъриф умуман туризмнинг моҳиятини очиқ берса-да, у бир томонлама хусусиятга эга. Бу ерда туризмга фуқаро томонидан дам олиш ва тадбиркорлик билан шуғулланмаган ҳолда амалга ошириладиган сафар тарзида таъриф берилган. Ушбу таърифда туризмнинг асосий мақсади ёритиб берилган бўлса-да, унга эришиш воситалари, усуллари, ушбу жараёнда иштирок этувчи шахслар фаолияти эътибордан четда қолган. Ваҳоланки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида ижтимоий, маиший, транспорт муаммоларини ҳал этмасдан туриб, туризм фаолиятининг муваффақияти тўғрисида фикр юритиб бўлмайди. Бундан ташқари туризм тадбиркорлик, хўжалик фаолиятининг истиқболли шакли сифатида жаҳон иқтисодиётида ҳам, унинг таркибига кирувчи алоҳида мамлакатлар иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли туризмга берилган таърифларда масаланинг ушбу жиҳатлари ҳам ўз аксини топмоғи лозим.

Туристик хизмат – туристларнинг саёҳат қилишлари чоғида вужудга келадиган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, туристик фаолият субъектларининг туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасида муайян ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматлар мажмуидир. Шу жиҳати, яъни муайян ҳақ эвазига кўрсатилиши билан у бошқа хизмат турларига ўхшайди, аммо туристик хизмат, энг аввало, фуқароларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжи истеъмолига мўлжалланганлиги, унинг шу мақсадда фойдаланилиши билан бошқа хизмат турларидан фарқланади.

Туристик хизмат мураккаб муносабатлар мажмуи бўлиб, одатда кундалик турмушда алоҳида-алоҳида ҳолда мавжуд бўладиган ҳар хил

¹⁸ Парций Я.Е. Научно-практический комментарий закона «Об основах туристской деятельности в РФ». – М.: 1998. – стр.5

хизмат турларини (агентлик хизмати, транспорт хизмати, маиший хизмат, ахборот хизмати ва бошқалар) ўзида мужассамлаштиради.

Туризм тўғрисидаги илмий қарашларнинг ривожланиши туризмни тизимли объект сифатида тадқиқ этишни объектив заруриятга айлантирди. Туризмга тор, тармоқли ёндашув мазкур ижтимоий-иқтисодий ҳодисанинг кўп қиррали ички ва ташқи алоқаларини ёритиб бериш имконини бермайди. Шу сабабли туризмни моҳиятан, концептуал тадқиқ этиш зарурияти юзага келди.

Россиялик иқтисодчи-олимлар В.И. Азар ва С.Ю. Туманов туризмга таъриф беришда тизимли ёндашиши лозимлигини уқтиради: “Туризм деганда алоҳида бир мамлакат халқ хўжалиги ҳамда жаҳон иқтисодиётига оид миллий иқтисодий тизимлардаги айрим унсурларнинг ўзаро муносабатларини акс эттирувчи улкан иқтисодий тизим назарда тутилмоғи лозим”¹⁹.

Шунга яқин таъриф яна бир россиялик иқтисодчи-олим В.А. Квартальнов томонидан келтирилади: “туризм кишиларнинг доимий яшаш ва ишлаш жойидан бошқа жойга кўчиб ўтиш ва ташриф буюриш жараёнида юзага келадиган муносабатлар ва ҳодисалар мажмуидир”²⁰.

В.И. Азар таъкидлаганидек, “Туризмга унинг функциялари нуқтаи назаридан ёндашсак, туризм анъанавий транспортдан, бошпанадан, кўнгил очиш учлигидан ташқари ижтимоий соҳанинг амалда кўпчилик бошқа соҳаларини ҳам ўз ичига қамраб олишини кўришимиз мумкин. Булардан шуни англаб олиш мумкинки, туризм ўз ичига ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор қуйи тизимларни қамраб олувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимдан иборатдир”²¹.

¹⁹ Азар В., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка: Институт Международного туризма. – М.: ИПК госслужбы, 1998. – стр.18

²⁰ Квартальнов В.А. Иностранный туризм. – М.: Финансы и статистика, 2001. – стр.15

²¹ Азар В., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка: Институт Международного туризма. – М.: ИПК госслужбы, 1998. – стр.21

Юқоридаги таърифга умуман қўшилган ҳолда унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бир тармоғи эканлиги ва мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан туризмга иқтисодий тизим сифатида баҳо бериш мақсадга мувофиқ. Туризмга иқтисодий тизим сифатида баҳо бериш туризмнинг ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида моҳиятини очиб бериш билан бирга унинг фаолият механизмини англаб олиш имконини беради.

Туризм моҳиятан мураккаб тузилма ҳисобланади. Яхлит тизим сифатида у, энг аввало, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик ва экологик муҳит билан ўзаро таъсирда бўлади. Ташқи дунё туризмга фаол таъсир кўрсатади. Баъзи ҳолларда у туризм учун кенг имкониятлар яратиб берса, баъзан ривожланишга тўсқинлик қилади. Шу сабабли туризм тизим сифатида барқарор ривожланиши учун ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиши зарур.

1.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва ундан кейинги даврда халқаро туризм ривожланиши тенденциялари

Маълумки, туризм соҳаси сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга ниҳоятда таъсирчан бўлиб, жамият ҳаётидаги ҳар қандай сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туризм ривожланишига у ёки бу йўналишда таъсир кўрсатади. Бунга яққол мисол 2001 йил сентябрда АҚШда юз берган воқеалардир. АҚШда террористик ҳаракатлар амалга оширилгандан сўнг мамлакатга туристлар оқими сезиларли даражада пасайди. Агар 2000 йилда АҚШга 50,9 млн турист ташриф буюрган бўлса, 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 40,4 млн кишигача камайди. Бунинг натижасида туризмдан олинган даромадлар ҳажми мазкур йиллар давомида 80,5 млрд доллардан 65,1 млрд. долларгача пасайди²².

²² World Tourism Organization, June 2004.

Айни вақтда барқарор иқтисодий ўсиш ва туризм ривожланиши ўртасида тўғри боғланиш мавжуд. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, нархлар ўзгармас бўлган шароитда хусусий истеъмол ҳажмининг 2,5 фоизга ўсиши туризмга сарфланадиган харажатларнинг 4 фоизга, истеъмол ҳажмининг 5 фоизга ўсиши туризмга сарфланадиган харажатларнинг 10 фоизга ўсишига олиб келади²³.

АҚШнинг ипотека кредитлаш тизимидан бошланиб кейинчалик жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам туризм ривожланишига ўз салбий таъсирини кўрсатди. Энг аввало, глобал инқироз туризм маҳсулотидан фойдаланувчи потенциал истеъмолчилар харид қобилиятларининг пасайишга ва бунинг оқибатида талабнинг қисқаришига олиб келди. Маълумки, даромадлар камая бошлагандан кейин кишилар барча соҳада иқтисод қила бошлайдилар. Пул етишмовчилиги шароитида кишилар ўз жамғармаларини, энг аввало, ўз кийматини йўқотмайдиган товарларга киритишга ҳаракат қиладилар. Ўз харажатлари рўйхатидан эса биринчи бўлиб дам олишни ташкил этишга сарфланадиган харажатларни чиқариб ташлайдилар. Иккинчи томондан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ишсизлик даражасининг ошиши юз берди. Бу эса даромадлар ва дам олиш харажатлари ҳажмини кескин чеклаб қўйди.

Шу ўринда 2009 йилнинг сентябрь ойида Бутунжаҳон туристик ташкилоти экспертлари томонидан ўтказилган сўровномалар натижаларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ²⁴ (Россияда бу сўровномаларни “Ромир” холдинг компанияси амалга оширган). Сўровнома натижаларига кўра россияликларнинг ярмидан кўпроғи (51 фоизи) молиявий инқироз туфайли дам олиш ва саёҳат учун ажратилган харажатларини қисқартиришга мажбур бўлганлар. Бу умумжаҳон кўрсаткичидан (48 фоиз) 3 фоизга кўпдир. Шу билан бирга АҚШда респондентларнинг 2/3 қисми (65 фоиз) оила

²³ Квартальнов В.А. Иностранный туризм. – М.: Финансы и статистика, 2001. – с.24

²⁴ Почти половина россиян сократили расходы на путешествия в связи с кризисом. // T2T.ru

бюджетининг бу қисмини камайтиришга мажбур бўлганликларини таъкидлаганлар.

Мазкур сўровномада 21 та давлат вакиллари (шу жумладан, “катта саккизлик мамлакатлари”) иштирок этган бўлиб, кутилгандек, деярли барча мамлакатларда дам олиш ва саёҳатга ажратилган харажатларнинг қисқариши кузатилди. Исландия (74 фоиз), Мексика (67 фоиз) ва АҚШда (65 фоиз) бу кўрсаткич анча юқори бўлса, Нидерландия (19 фоиз) ва Швейцария (24 фоиз) аҳолиси ўртасида бу харажатлардан иқтисод қилганлар улуши анча паст.

Мутахассислар фикрича, глобал инқироз ишбилармонлик туризми миқёсига салбий таъсир кўрсатди. Кўплаб ишбилармонлик сафарлари махсус кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш билан боғлиқ. Бу сафарлар эса компанияларнинг реклама бюджетлари ҳисобидан молиялаштирилади. Инқироз шароитида фирмаларнинг реклама бюджетлари қисқартирилди. Натижада ишбилармонлик сафарлари сони камайди. Шунингдек, компанияларнинг асосий маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ҳажми қисқарди. Бу ҳам хорижий сафарларга сарфланадиган харажатларнинг қисқаришига олиб келди.


Инқироз шароитида худди бошқа иқтисодиёт тармоқлари сингари туризмга ихтисослашган фирмаларда ходимлар сони ва иш ҳақининг қисқариши юз берди. Одатда туристик фирмалар чекланган ходимларга эга кичик ҳажмдаги корхоналар ҳисобланади. Бу фирмаларнинг фаолияти банклардан олинадиган йирик қарзларга кучли боғлиқ эмас. Шу сабабли банк тизимида юз берган инқироз бу фирмалар фаолиятини тўхтатиб қўймайди. Бундай шароитда йирик фирмалар қийин аҳволга тушиб қолдилар. Улар ходимлар сони ёки иш ҳақини қисқартиришга мажбур бўлдилар. Айни вақтда фирмани ривожлантириш, миқёсни кенгайтириш, янги офислар очиш имконияти кескин пасайди.

Глобал инқироз меҳмонхоналар, ресторанлар, кўнгилочар мажмуалар қурилишига киритиладиган хорижий инвестициялар ҳажмининг қисқаришига олиб келди.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, 2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳоннинг кўплаб минтақаларида халқаро туризм ўсиш суръатларининг пасайиши кузатилди. Бу ҳолат айниқса, экзотик мамлакатлар, узоқ магистраль йўналишлари (Жанубий-Шарқий Осиё, Кариб минтақаси) ва қиммат курортларга тегишли. Шунинг таъкидлаш лозимки, туризм бозорида инқироз бошқа бозорларга нисбатан илгарироқ бошланди. Туризм бозорида 2008 йилнинг июнь ойидан бошлаб стагнация бошланган бўлса, баъзи йўналишларда туристлар оқимининг камайиши кузатилди. Инқироз шароитида туристик операторларнинг катта қисми чартер рейслар ва меҳмонхоналардаги жойлар ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмай қолдилар, чунки молиявий инқироз шароитида банклар биринчи навбатда паст даромадли ва таваккалчилик даражаси юқори бўлган иқтисодий тармоқларига кредит беришни тўхтатдилар. Шу сабабли туристларни жойлаштириш ва самолётларда учиб-нариш нархлари ўсиб, чартерлар сони қисқариб борди. Уюштирилган дам олишга бўлган нархларнинг пасайиши ва туроператорлар харажатларининг ўсиши 2008 йилнинг охирида бир нечта йирик туристик компанияларнинг банкрот бўлишига олиб келди.

Корпоратив туризмнинг ҳам сезиларли даражада қисқариши кузатилди. Туризмнинг бу шакли дам олиш ва соғломлаштириш мақсадидаги туризмга нисбатан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кўпроқ зарар кўрди. Бу, энг аввало, йирик компанияларида ишчиларнинг оммавий тарзда ишдан бўшатилиши билан изоҳланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг туризм саноати ривожланишига таъсирини халқаро туризм ривожланишига оид қатор кўрсаткичларда кузатиш мумкин. Таҳлиллар шунинг кўрсатадики, 2008 йилга қадар туризм бозори барқарор ривожланиб келди (1.1-расм).



**1.1-расм. Жаҳон бўйича туристлар ташрифи динамикаси
(млн киши)**

Манба: UNWTO NEWS. www.unwto.org. Magazine of the Tourism Organization, Year XXIII, Issue 1/2012. P.3


Агар 1995 йилда жаҳон бўйича туристик ташрифлар сони 536 млн кишини ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 919 млн. кишига етди, яъни таҳлил қилинаётган давр мобайнида жаҳон миқёсида туристик ташрифлар сони 1,7 мартага кўпайди.

Натижада жаҳон бўйича туризмдан олинган даромадлар 1995 йилда 405 млрд. АҚШ долларида 2008 йилда 944 млрд. АҚШ долларигача ўсди. Туризмнинг жаҳон хизматлар бозоридаги улуши эса 30 фоизни ташкил этди²⁵. Келтирилган маълумотлар туризмнинг энг истиқболли тармоқлардан бири эканлигини кўрсатади. Аммо 2008 йилдан бошлаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсирида жаҳон бўйича туристлар ташрифини ўсиш суръатларида пасайиш кузатилади. Хусусан, 2009 йилда туристик ташрифлар сони 2008 йилга нисбатан 4,2 фоизга қисқариб, 880 миллион кишига тушиб қолди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий

²⁵ www.unwto.org.

инқирози таъсиридан энг тез суръатларда халос бўлган тармоқлардан бири ҳам туризм соҳаси бўлди: 2010 йилдаёқ жаҳон бўйича туристик ташрифлар сони 2008 йил даражасидан ўтиб кетди ва 939 млн кишини ташкил этди, 2011 йилда эса яна 4,3 фоизга кўпайиб 980 минг кишига етди.



1.2-расм. Жаҳон бўйича туристик ташрифлар сонининг ўртача қўшимча ўсиш суръатлари

Манба: UNWTO NEWS. www.unwto.org. Magazine of the Tourism Organization, Year XXIII, Issue 1/2012. P.1

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини жаҳон бўйича туристик ташрифлар сонининг ўртача қўшимча ўсиш суръатларида янада яққол кўриш мумкин (1.2-расм).

Кўришиб турибдики, агар 2004-2007 йилларда жаҳон миқёсида туристлар ташрифининг ўсиши ўртача 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 1,8 фоизни ташкил этган, холос. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро туризм ривожланишига таъсири 2008 йилнинг иккинчи ярмида янада яққол сезида бошланди: агар 2008 йилнинг биринчи ярмида туристлар ташрифи 2007 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 5 фоизга кўпайган бўлса, 2008 йилнинг иккинчи ярмида бу кўрсаткич 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 1 фоизга камайди. 2009 йилда эса 4,2 фоизга қисқарди. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, туристлар сонининг пасайиши тенденциясига 2010 йилдаёқ барҳам берилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг туризм соҳаси ривожланишига салбий таъсирини туристлар ташрифи бўйича жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларига ташриф буюрган туристлар сони динамикасида ҳам кўриш мумкин (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

**Туристик ташрифлар сони бўйича энг етакчи мамлакатлар рўйхати,
млн. киши ҳисобида**

	2000	2007	2008	2009	2010	2010 йилда 2000 йилга нисбатан, %
Франция	75,6	81,9	79,3	76,8	76,8	101,6
Испания	47,9	59,2	57,3	52,2	52,7	110,0
АҚШ	50,9	56,0	58,0	55,0	59,7	117,3
Хитой	31,2	54,7	53,0	50,9	55,7	178,5
Италия	41,2	43,6	42,7	43,2	43,6	105,8
Буюк Британия	25,2	30,7	30,2	28,2	28,1	111,5
Германия	19,0	24,2	24,9	24,2	26,9	141,6
Туркия	12,0	22,2	25,0	25,5	27,0	225,0

Манба: www.unwto.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Жадвал маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, туристлар ташрифи бўйича етакчи мамлакатларнинг барчасида 2000-2010 йилларда туристик ташрифлар сони ўсиш тенденциясига эга бўлган. Айниқса, Туркия, Хитой ва Германияда туристлар ташрифи сони сезиларли миқдорда ўсган бўлиб, таҳлил қилинаётган давр мобайнида бу мамлакатларда туристик ташрифлар сони мувофиқ равишда 2,2; 1,8 ва 1,4 мартага кўпайган.

Айни вақтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири натижасида 2009 йилда 2008 йилга нисбатан Францияда туристик ташрифлар сони 3,2 фоизга, Испанияда 8,8 фоизга, АҚШда 5,1 фоизга, Хитойда 4,1 фоизга, Германияда 2,7 фоизга, Буюк Британияда 6,4 фоизга камайган.

Шу билан бирга Италияда туристлар ташрифи 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 1,2 фоизга ва Туркияда 2 фоизга ўсган. Глобал инқироз шароитида бу мамлакатларда туристик ташрифлар сони ўсишининг ўзига хос сабаблари мавжуд. Хусусан, Туркияда туристик ташрифлар сонининг ўсиши мазкур мамлакатга ташриф буюрувчи туристлар таркиби билан боғлиқ. Гап шундаки, анъанавий равишда Туркияга ташриф буюрадиган туристларнинг

аксарият қисми МДХ мамлакатлари, энг аввало, россиялик туристлар ҳисобланади. Глобал инқироз Россиянинг ўрта қатлам аҳолиси даромадларига кучли таъсир кўрсатди. Шу сабабли илгари нисбатан кимматроқ мамлакатларга ташриф буюрган россиялик туристлар ҳам дам олиш маскани сифатида Туркияни танлай бошладилар. Шу билан бирга Туркияда сўнгги йилларда туризм ривожланишига мамлакат ҳукумати томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Жадвал маълумотларидан яна шуни кўриш мумкинки, туристлар ташрифи бўйича энг етакчи 8 мамлакатнинг 5 тасида 2010 йилда инқироздан олдинги давр кўрсаткичдан ўзиб кетиш ҳолати кузатилади. Хусусан, 2010 йилда 2008 йилга нисбатан туристлар ташрифи сони АҚШда 2,9 фоизга, Хитойда 5,1 фоизга, Италияда 2,1 фоизга, Германияда 8 фоизга ва Туркияда 8 фоизга ўсган бўлса, Испанияда 8 фоизга, Буюк Британияда 7 фоизга ва Францияда 3,2 фоизга пасайган.

Бу, энг аввало, шу билан изоҳланадики, ҳар қандай мамлакатда туризм соҳасининг ривожланиши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, бу ерда туристларга нисбатан юритилаётган давлат сиёсати характери билан белгиланади. Инқироздан кейинги даврда Европада юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммолар туризм ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Буни Испания мисолида яққол кўриш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, биргина 2009 йилнинг февраль ойида Испанияга ташриф буюрган туристлар сони 15,9 фоизга камайди. Туризм вазирлигининг маълумотларига кўра, умумиқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви ва фунт стерлинг қийматининг пасайиши натижасида Буюк Британиядан ташриф буюрган туристлар сони (одатда Испанияга ташриф буюрадиган туристларнинг катта қисми Буюк Британия ҳиссасига тўғри келади) февраль ойида 23,4 фоизга қисқарди²⁶.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туризмдан олинадиган даромадлар Испания ялпи ички маҳсулотининг 10 фоиздан кўпроғини ташкил этади.

²⁶ Мадрид. Кризис серьезно затронул туристическую отрасль Испании. /www.k2kapital.com

Сўнгги пайтларда глобал инқирознинг салбий таъсири кучайганлиги туфайли мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғи ва у билан боғлиқ соҳаларда ишсизлик сонининг кўпайиши кузатилмоқда.

Юқорида номлари келтирилган мамлакатларда туристлар ташрифи сонининг ўзгариши туризмдан олинган даромадлар миқдорига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Туризмдан олинган даромадлар бўйича энг етакчи мамлакатлар рўйхати, млрд. долл ҳисобида

Мамлакатлар	2000	2007	2008	2009	2010	2010 йилда 2000 йилга нисбатан, %
АҚШ	80,5	96,7	100,1	94,2	103,5	128,6
Испания	31,3	57,8	55,9	53,2	52,5	167,7
Франция	30,4	54,2	53,1	49,4	46,3	152,3
Италия	27,2	42,7	41,8	40,2	38,8	142,6
Хитой	15,7	41,9	40,6	39,7	45,8	291,7
Буюк Британия	19,5	37,6	37,0	30,1	30,4	155,9
Германия	18,5	36,0	37,0	34,6	34,7	187,6
Туркия	7,6	18,5	22,0	21,3	20,8	273,7

Манба: www.unwto.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, 2000-2010 йиллар давомида жаҳоннинг етакчи мамлакатларида туризмдан олинган даромадлар ҳажми сезиларли даражада ошган. Айниқса, Хитой (2,9 марта), Туркия (2,7 марта), Германия (1,9 марта) ва Испания (1,7 марта)да туризмдан олинган даромадлар ҳажми юқори суръатларда ўсган. Бу ҳолат ушбу мамлакатларда туризмни ривожлантириш тизимли тарзда йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Шу билан бирга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бу мамлакатларда туризмдан олинган даромадлар ҳажмига таъсир кўлами турлича бўлди.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2009 йилда таҳлил қилинаётган мамлакатларнинг барчасида даромадлар ҳажми пасайган. Жумладан, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан туризмдан олинган даромадлар ҳажми АҚШда 14,7 фоизга, Испанияда 13,7 фоизга, Францияда 12,7 фоизга, Италияда 12 фоизга, Хитойда 2,9 фоизга, Буюк Британияда 16,3 фоизга, Германияда 13,2

фоизга, Туркияда 3,2 пасайган.

Туристтик ташрифлар сони ва туризмдан олинган даромадлар хажмларининг ўсиш суръатларини ўзаро солиштириш мамлакатларда туризм ривожланиши хусусиятларини ёритиб беришга хизмат қилади.

Айни вақтда туристлар ташрифи ўсган мамлакатлар - АҚШ, Германия ва Туркияда туризмдан олинган даромадлар миқдори 2008 йилда 2007 йилга нисбатан бирмунча ўсган. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агар АҚШ ва Германияда туризмдан олинган даромадларнинг ўсиш суръатлари туристик ташрифлар ўсиш суръатларига деярли мувофиқ келса (АҚШда 3,6 ва 3,5 фоиз, Германияда (2,9 ва 2,7 фоиз), Туркияга ташриф буюрган туристлар сонининг ўсиш суръатлари (12,6 фоиз) туризмдан олинган даромадлар ўсиш суръатларидан (8,6 фоиз) биров юқори бўлган. Бунинг сабаби шундаки, инқироз шароитида туристик маршрутлар ва сафарлар муддатида ўзгаришлар юз беради. Бутунжаҳон туристик ташкилоти башоратларига кўра, туристлар, энг аввало, ҳудудий жиҳатдан яқин, қиммат бўлмаган йўналишларни танлайдилар ва транспорт харажатларини иқтисод қилиш мақсадида ўз мамлакатларида ёки қўшни мамлакатларда дам олишни афзал кўра бошлайдилар.

Шунингдек, сафарлар муддати ва частотаси, саёҳат давомидаги харажатлар миқдорининг қисқариши, пакет турлар сонининг камайиши кузатилади. Айни вақтда шахсан бронлаштириладиган ва дўстлар ёки қариндошлар уйида жойлашишни кўзда тутадиган саёҳатлар сони ортади. Туристлар учун энг қулай валюта курсига эга мамлакатларга туристик талаб кўпаяди. Шу нуқтаи назардан Туркияга ташриф буюрган туристлар ўз харажатларини муайян даражада чеклашлари кузатилади.

Глобал инқироз шароитида таълим туризмида ижобий тенденция кутилади. Хорижий саёҳатни ўқиш, хорижий тилни ўрганиш, малакани ошириш билан бирга олиб бориш имкониятига истеъмолчилар ўз даражасини ошириш, муваффақиятли ишга жойлашиш, карьера учун қулай инвестиция сифатида қарайдилар. Бошқача қилиб айтганда, одатдаги дам олиш ва

хориждаги таълим дастурларидан бирини танлашда истеъмолчилар айнан таълим дастурларини афзал кўрадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, глобал инқирознинг туризм соҳасига таъсири оқибатлари турлича баҳоланмоқда. Тармоқнинг истиқболи тўғрисидаги нуқтаи назарлар ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Хусусан, Бутунжаҳон туристик ташкилоти Бош котиби Франческо Франжиалли фикрича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туризм тармоғига муайян даражада салбий таъсир кўрсатади ва хавотир учун ўрин йўқ²⁷. Унинг таъкидлашича, 2003 йилда атипик пневмониянинг кенг тарқалиши ва бунинг натижасида Осиёга саёҳатлар миқдорининг кескин камайиши туризм тармоғига ҳозирги глобал инқирозга нисбатан кўпроқ зиён келтирган. Бундай динамика ҳозирги кунда кузатилмаяпти. Фақат саёҳатлар давомидаги харажатлар миқдорининг камайиши ёки тежамкор транспорт воситалардан фойдаланишга асосланган яқин ва қисқа муддатли маршрутларни танлаш ҳолатлари кузатилаяпти, холос.

Бошқа экспертлар эса башоратларга анча эҳтиёткорлик билан ёндошмоқдалар. Уларнинг фикрича, глобал инқироз туризм тармоғи ривожланишига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, халқаро туризм ривожланиши энг кўп зарар кўради, чунки танг вазиятда потенциал туристлар дам олишга харажат қилгандан кўра, инқироз оқибатларини бартараф этишга асосий эътиборни қаратадилар²⁸.

Шу билан бирга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг туризм соҳасида фаолият юритаётган корхоналар фаолиятига таъсирини фақат салбий томондан баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас. Маълумки, иқтисодиётдаги инқирозли ҳолат, энг аввало, кичик, самарасиз ва рақобатга бардош бера олмайдиган туристик корхоналарнинг ёпилишига ва юқори

²⁷ Francesco Frangialli “The UNWTO in the 21st Century and its Full Integration into the United Nations”. UNWTO NEWS. Magazine of the World Tourism Organization, Year XXIII, Issue 1/2009. P.2

²⁸“International Tourism – further slowdown in 2009” UNWTO NEWS. Magazine of the World Tourism Organization, Year XXIII, Issue 1/2009. P.6.

сифатли хизмат кўрсатувчи корхоналар мавқеининг мустаҳкамланишига олиб келади. Бу эса туристлар учун ижобий аҳамиятга эга бўлиб, уларга кўрсатиладиган хизматларда таваккалчилик даражасининг пасайишини таъминлайди. Шу билан бирга замонавий туризм бозорида ҳаддан зиёд туристик компаниялар фаолият олиб борадилар, аммо уларнинг кўпчилиги халқаро талабларга жавоб бермайдиган паст сифатли туристик хизматларни таклиф этадилар. Глобал инқироз шароитида яшовчанлигини сақлаб қолган корхоналар бу турдаги корхоналар билан рақобатга ўз кучларини сарфламайдилар. Бозорда юқори сифатли хизмат таклиф қилувчи корхоналар ўртасида рақобат кураши авж олади.

Глобал инқирознинг туристик корхоналар фаолиятига таъсирининг ижобий жиҳатларидан яна бири шундан иборатки, кичик ва самарасиз корхоналарда кўпинча, юқори малакали ва катта тажрибага эга кишилар меҳнат қиладилар. Самарасиз корхоналар ўз фаолиятларини тўхтатишлари муносабати билан рақобатбардош корхоналар ўзлари учун зарур бўлган ходимларни жалб қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса улар иш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Айни вақтда ўз иш ўрнини йўқотиш хавфи туғилган корхона ходимлари иш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичини яхшилашга мажбур бўладилар. Ўз навбатида бу ҳолат корхона ишчи ходимлари тажриба ва малакаларининг ошишига хизмат қилади. Ходимлар олдида самарали технологиялардан фойдаланиш, меҳнат харажатларини қисқартириш, иш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи янги ғоя ва таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари пайдо бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг туризм тармоғи ривожланишига таъсирига оид фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

1. Миллий иқтисодиётнинг муҳим ва мустақил тармоғи ҳисобланган туризм сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга ниҳоятда таъсирчан ҳисобланади. Шу муносабат билан 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туризм тармоғи ривожланишига қуйидаги

йўналишларда салбий таъсир кўрсатмоқда:

- глобал инқироз туризм маҳсулотидан фойдаланувчи потенциал истеъмолчилар харид қобилиятларининг пасайишга ва бунинг оқибатида талабнинг қисқаришига олиб келди;

- глобал инқироз ишбилармонлик туризми миқёсига салбий таъсир кўрсатди. Кўплаб ишбилармонлик сафарлари махсус кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш билан боғлиқ. Бу сафарлар эса компанияларнинг реклама бюджетлари ҳисобидан молиялаштирилади. Инқироз шароитида фирмаларнинг реклама бюджетлари қисқартирилди. Натижада ишбилармонлик сафарлари сони камайди;

- инқироз шароитида худди бошқа иқтисодиёт тармоқлари сингари туризмга ихтисослашган фирмаларда ходимлар сони ва иш ҳақининг қисқариши юз берди;

- глобал инқироз меҳмонхоналар, ресторанлар, кўнгилочар мажмуалар курилишига киритиладиган хорижий инвестициялар ҳажмининг қисқаришига олиб келди.

2. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2008 йилга қадар туризм бозори барқарор ривожланиб келди. Агар 1995 йилда жаҳон бўйича туристик ташрифлар сони 536 млн кишини ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 924 млн. кишига етди, яъни таҳлил қилинаётган давр мобайнида жаҳон миқёсида туристик ташрифлар сони 1,7 мартага кўпайди. Натижада жаҳон бўйича туризмдан олинган даромадлар 1995 йилда 405 млрд. АҚШ долларидан 2008 йилда 944 млрд. АҚШ долларигача ўсди. Туризмнинг жаҳон хизматлар бозоридаги улуши эса 30 фоизни ташкил этди.

3. 2008 йилдан бошлаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида жаҳон бўйича туристлар ташрифини ўсиш суръатларида пасайиш кузатилади: агар 2004-2007 йилларда жаҳон миқёсида туристлар ташрифининг ўсиши ўртача 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 1,8 фоизни ташкил этган, холос. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро туризм ривожланишига таъсири 2008 йилнинг

иккинчи ярмида янада яққол сезида бошланди: агар 2008 йилнинг биринчи ярмида туристлар ташрифи 2007 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 5 фоизга кўпайган бўлса, 2008 йилнинг иккинчи ярмида бу кўрсаткич 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 1 фоизга камайди.

4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг туризм соҳасида фаолият юритаётган корхоналар фаолиятига ижобий таъсири ҳам бор:

- иқтисодиётдаги инқирозли ҳолат, энг аввало, кичик, самарасиз ва рақобатга бардош бера олмайдиган туристик корхоналарнинг ёпилишига ва юқори сифатли хизмат кўрсатувчи корхоналар мавқеининг мустаҳкамланишига олиб келади. Бу эса туристлар учун ижобий аҳамиятга эга бўлиб, уларга кўрсатиладиган хизматларда таваккалчилик даражасининг пасайишини таъминлайди.

- кичик ва самарасиз корхоналарда кўпинча, юқори малакали ва катта тажрибага эга кишилар меҳнат қиладилар. Самарасиз корхоналар ўз фаолиятларини тўхтатишлари муносабати билан рақобатбардош корхоналар ўзлари учун зарур бўлган ходимларни жалб қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса улар иш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Айни вақтда ўз иш ўрнини йўқотиш хавфи туғилган корхона ходимлари иш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичини яхшилашга мажбур бўладилар. Ўз навбатида бу ҳолат корхона ишчи ходимлари тажриба ва малакаларининг ошишига хизмат қилади.

2-БОБ. ТУРКИЯДА ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Туркияда туризм соҳаси ривожланишининг омиллари ва шарт-шароитлари

Туркияда туризм ривожланиши охириги 20-25 йил ичида ўзига хос динамик тус олди. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий сабаблари алоҳида тадқиқ қилишга муносиб бўлса, табиий-объектив омиллар ва шарт-шароитлар ҳам борки, бу омиллар давлат туризм сиёсатини амалга оширишга тўғридан тўғри қулай шарт-шароит бўлиб хизмат қилмоқда.

Туркияда туризм ривожланишининг табиий-объектив омилларига:

- Географик қулайлиги;
- Иқлим қулайлиги;
- Турк ошхонасининг бойлиги ва машҳурлиги;
- Туркияда тарихий жойларнинг кўплиги киради.

Ижтимоий-иқтисодий омилларга:

- Иқтисодий ислохотларнинг жадаллаштирилганлиги
- Европа Иттифоқи давлатлари билан яқиндан савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожлантирилаётганлиги,
 - иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетишининг олди олинаётганлиги
 - экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожлантирилаётганлиги
 - миграцион жараёнларнинг (ички ва ташқи) рағбатлантирилаётганлиги кабилар киритилади.

Туркия Республикаси асосан жанубий-ғарбий ва қисман жанубий-шарқий Осиёда жойлашган мамлакат саналади. Мамлакатнинг жанубдан Сурия ва Ироқ, шарқдан Эрон, шимолий-шарқдан Арманистон, Грузия ва

Азарбайжон билан, шимолий-Ғарбдан Болгария, Ғарбдан эса Греция билан чегарадош эканлиги унинг бир пайтнинг ўзида ҳам Осиё, ҳам Европа мамлакатлари билан алоқалари учун табиий шарт-шароитларнинг мавжудлигини изоҳлайди.

Мамлакатнинг умумий ҳудуди – 783562 км кв.ни ташкил қилиб, унинг ҳудуди Ерон ва Россия Федерациясидан ташқари ўзига қўшни бўлган барча мамлакатлар ва барча европа мамлакатлари ҳудудидан каттадир. Мамлакат ҳудуди дунё мамлакатлари билан солиштирилганда Техас штатидан биров каттароқ саналади. Туркия ҳудудининг 97 фоизи Осиё қитъасига, 3 фоизи эса европа қитъасига тўғри келади. Мамлакатнинг асосий қисми Қора денгиз ва Ўрта ер денгизи оралиғидаги Анатолия ёки Кичик Осиё ярим оролида жойлашган. Чунинчи, Туркиянинг Осиё ҳудуди Анатолия, европа ҳудуди эса Фракия деб номланади.

Туркиянинг айнан қулай географик хусусиятларидан бири ҳам бу - қадимданок Европа билан Осиёни, Қора денгиз мамлакатлари ва халқларини, Ўрта ер денгизи мамлакатлари ва халқлари билан боғлаб турувчи муҳим бир чорраҳада, нуқтада жойлашганлигидир. Гўёки бутун дунё билан қўшничилик қила олиш имкониятларига эга бўлган бу ўлка тарихда миграция ва савдо йўллари маркази бўлганини, бу омил эса бевосита мамлакатнинг қулай иқтисодий географик ҳудудда жойлашганлигининг яққол намунаси эканини, ҳозирда эса Туркия ҳудудида ётқизилган авто магистрал ва темир ёллар европани Осиёнинг бир қанча мамлакатлари билан боғлаш учун хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Туркиянинг қуруқ ҳудудлари 2875 км.ни, денгиз ҳудудлари эса 8333 км.ни ташкил қилади. Туркия Республикаси 36 ва 42 даража шимолий кенглик ҳамда 26 ва 45 даража шарқий узунлик оралиғида жойлашган бўлиб, мамлакатнинг шарқий ва ғарбий қисмлари ўртасидаги тафовут 76 минутни ташкил қилади.

Мамлакат ғарбдан шарққа 1600 км, шимолдан жанубга эса 600 кмгача чўзилган. Туркия Республикаси уч томондан , яъни шимолдан Қора денгиз,

ғарбдан Егей денгизи, жанубдан эса Ўртайер денгизи билан ювилиб туради. Туркия Республикасининг европа ва Осиё қисмини Қора денгиздан Егей денгизига ўтувчи, шунингдек ўзида Мармар денгизи, ҳамда Босфор ва Дарданелл бўғозларини мужассамлаштирган сув ёъли ажратиб туради. Айнан Босфор ва Мармар денгизининг жанубий қисмида дунёнинг энг гўзал ва Туркиянинг энг катта шаҳарларидан бири-қадимда Константинопол ҳозирда эса Истамбул номи билан машҳур бўлган шаҳар жойлашган.

Геофизик тузилишини ҳисобга олганда Туркия турли хил кўриниш ва ёшдаги релефларга эга. Туркия юқори тоғли мамлакат саналиб, унинг ўртача баландлиги 1132м.ни ташкил қилади ва у энг юқори континент ҳисобланмиш 1010 м.лик Осиё баландлигидан ҳам юқоридир. Мамлакатнинг катта ҳудудини Кичик Осиё ва Арман тоғликлари эгаллаган. Мамлакатнинг энг юқори чўққиси бу-5137 метрлик Катта Арарат тоғидир. Туркия Республикасининг марказий қисмида Анатолия ясситоғликлари, жанубда Тавр тизмалари, шимолда эса Понтий тоғлари жойлашган.

Мамлакатнинг табиий иқлимига келадиган бўлсак, унинг географик жойлашувига кўра ҳудудий ўзгаришлар кузатилади. Мамлакатда бир вақтнинг ўзида тўрт фасл ва турли хил иқлимни кузатиш мумкин. Ёзда ўта қуруқ иқлимга эга бўлган Ўртайер денгизи иқлими бевосита мамлакатнинг умумий иқлимига таъсир этади. Мамлакат минтақалари ўртасидаги иқлимий фарқ яъни тафовутни уларнинг қанчалик денгиз ҳудудига яқин жойлашганлиги ва тоғ тизмалари қояларининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Туркиянинг Ўрта ер денгизи соҳилларида иқлим субтропик хусусиятга эга бўлиб, бу ерда ёз фаслида қуруқ иссиқ, қишда эса ёмғирли иллик об-ҳаво ҳукм суради. Об-ҳаво асосан декабрдан феврал оралиғигача салқин бўлади. Бу пайтда тунги ҳарорат +6, +8 даражани, кундузги ҳарорат эса +14,+16 даражани ташкил қилади. Иссиқ июн ойидан то сентябр ойига қадар давом этади. Бу даврда ҳаво ҳарорати кечаси +19, +22, даражага, кундузи эса +30,

+34 даражага етади. Декабрь ва январ ойларида жуда кўп ёмғир ёғади ва бутун ой давомида 12-14 кун ёмғирли кунлардан иборат бўлади.

Туркиянинг шимолий соҳилларидаги иқлим юмшоқ ҳисобланади. Бу ҳудудда энг совуқ кунлар январ-март оралиғига тўғри келиб, бу даврда тунги ҳарорат +3,+5 даражани, кудузгиси эса +10, +12 даражани ташкил қилади. Бу ҳудудда энг илиқ давр июн-август оралиғига тўғри келиб, бу даврда тунги ҳарорат +15 даражадан пасаймайди, кундузи +23+27 даражага етади. Ёмғирли кунлар асосан октябрь –декабрь оралиғига тўғри келиб, ойнинг 12-13 кунини нам ҳаво ташкил қилади.

Мамлакатнинг марказий қисмларида иқлим континентал хусусиятга эга бўлиб, бу ерларга қуруқ ва иссиқ ёз фасли, ҳамда совуқ қиш фасли ҳосил. Қишда ҳаво ҳарорати 0-4 даражани, кундузи эса +1+6 даражани ташкил қилади. Йилнинг иссиқ даври июн-сентябрь оралиғига, энг кўп ёмғирли кунлар апрел-май оралиғига тўғри келади.

Мамлакатнинг шарқий қисмларига келадиган бўлсак, бу ерларга кескин континентал иқлим ҳос бўлиб, қиш фасли ноябрдан то май ойига қадар давом этиб, энг совуқ кунлар эса январ ва феврал ойларига тўғри келади. Бу даврда кечаси ҳаво ҳарорати -11,-12 даражани кундузи эса -2,-4 даражани ташкил қилади. Ёмғирли кунлар июл ва август ойларига тўғри келиб, кечалари ҳаво ҳарорати +11+12 даражани, кундузи эса +26+27 даражани кўрсатади. Ёмғирли кунлар эса май ойига тўғри келиб, ойнинг ярмидан кўпроғини намгарчилик юқори бўлган кунлар ташкил қилади.

Мана шундай қулай иқлим шароитлари, айниқса, мамлакатнинг турли бурчакларида бир пайтнинг ўзида тўртта фаслнинг ҳам ҳукм суриши Туркияда туризмнинг ривожланиши учун жуда қулай шарт-шароитлар яратган.

Иқлим қулайликларидан ташқари туризм ривожланишининг яна бир асосий сабабларидан бири бу турк ошхонасидир. Меҳмонхона мутахассисларининг маълумотларга кўра дунёнинг энг бой ошхоналари турк, француз ва хитой ошхоналаридир. Овқат ва ичимликлар манбаларининг

кўплиги ва турли-туманлилиги, мамлакат туризмнинг ажралмас қисми бўлган турк ошхонасининг бойлигининг асосий сабабларидан биридир. Шу билан бирга узок йиллардан бери турли миллатлар билан биргаликда яшаб келганликлари ва овқат ва ичимлик турларининг бир бирлари билан алмашиб, бойитиб борганликлари ҳам турк ошхонаси бойишининг бир сабабларидан биридир. Айниқса, Салжукийлар ва Усманийлар саройлари турк ошхонасининг бойишида муҳим рўл ўйнаган. Туркиянинг турли ҳудудларида юздан ортиқ овқат турлари тайёрланади ва булар ҳудуд ва илларга (вилоят) кўра пишириш усуллари ва турларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Минтақаларга кўра муҳим туристик марказлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Қораденгиз минтақаси: Минтақада тоғларнинг кўплиги ва уларнинг денгиз қирғоғига параллел равишда жойлашгани ва жойлашувининг бироз ноқулайлиги туфайли плажлар анча кам. Бу минтақада ёз бошқа минтақаларга нисбатан қисқароқ давом этади. Қораденгиз минтақасида дарёлардаги оқимнинг тез бўлгани учун сўнгги йилларда рафтинг спорти ривожланмоқда. Бунга мисол сифатида Чорух дарёсини айтишимиз мумкин. Минтақадаги туристик марказлар:

Трабзондаги Сумала манастири, Айвасил черкови, Ҳазрати Яҳё Манаетири, Султон Боязид Куллиёси, Амася қалъаси.

Мармара минтақаси: Муҳим транспорт ёлларида жойлашганлиги, иқлим имкониятларининг яхшилиги, Истанбулнинг шу минтақада жойлашганлиги ва қадимдан одам яшаб келаётганлиги сабабдан Мармара минтақасида туризм марказлари жуда кўп. Минтақа туризмдан энг кўп даромад оладиган минтақадир. Тарихий ёдгорликларга Бурсадаги Улужоми, Яшил Мақбарани Изникдаги Яшилжоми, Қаплижаларни, Едирнедаги Селимия жомиси, Рустампаша Карвонсаройи, Сарая Ҳаммомини ва Чанаққаледаги Троя харобаларини киритишимиз мумкин.

Троя харобалари. Узоқ йиллар давомида Троя юнон мифалогиясининг маҳсули деб ҳисобланиб келинди. Бироқ 1870-йиллардан кейин унинг қолдиқлари топилди. Ҳозирда Троя харобалари Туркиянинг Ғарбида жойлашган ва энг кўп турист зиёрат қиладиган марказлардан бири ҳисобланади.

Минтақада Истанбул Туркиянинг шимолий-ғарбида жойлашган шаҳар бўлиб, Туркия мустақилликка эришгунча, яъни 1923-йилдагача жуда кўплаб давлатлар ва империялар учун пойтахт вазифасини бажарган. Булар орасида Усманийлар империяси деярли 500 йил ва ундан олдин Византия империяси ва бошқа кўплаб қадимий давлатлар учун пойтахтлик қилган. 1923-йилда Мустафо Камол Отатурк томонидан пойтахт хавфсизликни таъминлаш учун Анкарага кўчирилган. Истанбул иккита қитъада жойлашган дунёдаги ягона шаҳардир. Истанбул Туркиядаги энг катта шаҳардир. Истанбулдаги тарихий ёдгорликларга Топқапи саройи, Аясофя музейи, Долмабахче саройи, Қиз кулеси, Анитқабир, Қапали Чарси кабиларни киритишимиз мумкин.

Сулаймония Масжиди 1550-йилда Истанбулда Меъмор Синан томонидан қурилган.

Эгей минтақаси: Кўплаб кўрфазларга эга бўлган Эгей минтақаси қадимдан одамлар яшаб келган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Тарихий ёдгорликларнинг кўплиги туфайли бу минтақада туризм жуда кучли ривожланган. Қулай иқлим шароитлари туфайли денгиз туризми ҳам анча ривожланган бўлиб, туризм даври етти - саккиз ой давом этади. Бу минтақадаги туристик марказларга Измирдаги Марям Она Черкови, Эфес ва Бергама антик театрлари, Агора, Акрополис каби бир қанча марказларни мисол келтиришимиз мумкин.

Ўртаер денгизи минтақаси: Ёз ойларининг иссиқлиги, пляжларнинг кўп эканлиги, иссиқ ҳароратнинг узоқ давом этиши туфайли Туркияда денгиз туризмнинг энг узоқ давом этадиган минтақаси Ўртаер денгизи минтақасидир. Минтақада қиш ойларида ҳам денгизда чўмилиш имкониятлари мавжуд. Бундан ташқари Анталияда Торос тоғларининг

баланд эканлигидан бир пайтнинг ўзида ҳам денгизда чўмилиш ҳам чанғи спорти билан шуғулланиш имкониятлари мавжуд.

Минтақада деярли барча илларда(вилоятларда) жуда кўп муҳим тарихий ёдгорликлар мавжуд. Минтақада Анталия шаҳри энг катта туристик ва савдо маркази ҳисобланади. Испартадаги Егирдир кўли, Бурдурдаги Ҳажилар ҳаробалари, антик Сагаласос шаҳри, Мерсиндаги ўрта асрлардан қолган Анамур қалъасининг қолдиқлари, Жаннат ва Жаҳаннам ғорлари, Қиз қалъаси кабиларни энг кўп турист жалб қиладиган марказлар дейиш мумкин.

Марказий Анатолия минтақаси: минтақа бугунги кунда Туркиянинг сиёсий маркази ҳисобланади. Бошқа минтақаларга нисбатан бу ерда туризм унчалик кучли ривожланмаган. Бу минтақадаги туристик марказларга Анқарадаги Анитқабирни, Анқара қалъасини, Анатолия Маданияти Музейини, Полатли яқинидаги қадимги Фригия давлатининг пойтахти ҳисобланган Гардион шаҳрини, Конядаги Мавлоно Жалолиддин Румий Мақбарасини, Насриддин Ҳожа Мақбарасини ва Копадокияни киритишимиз мумкин.

Шарқий Анатолия минтақаси: Минтақада қиш ойларининг узоқ давом этиши ва қорнинг кўп ёғиши туфайли туризм қизғин эмас. Бугунги кунда аста-секинлик билан минтақада тоғ туризми ривожланмоқда. Минтақадаги туристик марказларга Нумрут тоғи, Ани ҳаробалари, Ишак Паша саройи, Афри тоғи, Ван кўли, Якутия Мадрасаси, Эрзирум Азизия ёдгорлиги кабиларни киритишимиз мумкин.

Ван кўли Туркиядаги энг катта кўл ҳисобланиб, сувининг шўрлиги ҳисобига ҳайвонот ва набодот олами унчалик бой эмас.

Жануби-шарқий Анатолия минтақаси: Анатолиядаги одамларнинг илк ўтроқлашган ҳудуди саналади. Минтақадаги туристик ёдгорликларга Малабади кўприги, Асур мозорлари, Адияман Жендере кўприги, Мардин уйлари, Балиқли кўл кабиларни киритишимиз мумкин.

Усманийлар империяси даврида Туркияда туризм ҳаракатлари бошқа дин вакилларининг айниқса, тарихий ва антиквар контрабандистларининг

турли хил мақсадлари туфайли мамлакатга киришлари чегараланган эди. 18-асрдан бошлаб бошқа давлатларга саёҳатга чиқишни бошлаган бой ва аслзода инглизларнинг энг кўп саёҳат уюштирган шаҳарлари ичида Истанбул ҳам бор эди. 1883-йилда Европанинг илк қитъалараро экспресс поезда "Шарк Экспресси" ўз сафарини бошлади. Бу поезд Париждан йўлга чиқиб, турли хил Европа давлатларининг бир қанча шаҳарларида тўхтаб, охири Истанбулга келган. "Шарк экспресс"ининг яратувчиси Вагон Литс ширкати 1892-йилда Истанбулда очилган биринчи халқаро "Пера Палас" меҳмонхонасининг асосий шерикларидан бири эди. Шу ва бошқа ширкатлар Туркияда туризмнинг аста-секин ривожланишига сабаб бўлди. Инглизларнинг хорижий мамлакатларда амалга ошираётган саёҳатлари туфайли ўша ерларда Бристол ва Кент каби меҳмонхоналар ёки кўчалар пайдо бўла бошлади. XIX асрда Истанбулда очилган илк меҳмонхона Бристол Отели эди.

Туркияда туризм Усманийлар империясининг сўнгги даврларида бошланиб, Республика ташкил қилинганидан кейин аста секин ташкилотлар тарзида ривожлана бошлади. 1923-йилда Мустафо Камол Отатурк бошчилигида ташкил этилган "Туркия Сайёҳлик Жамияти"(ҳозирги Турин Отомобил Куруму(Турин автомобил жамияти)) билан илк жиддий иш фаолиятини синов тарзида бошлади. Турин Туркия тарихида биринчи марта танитув афишалари, йўл хариталари, меҳмонхона бошловчилари ва брошюралар чиқаришни бошлади.

Туризм билан боғлиқ бўлган бошқа бир тармоқ авиация, Республика даврида "Туркия авиация Жамияти"(Туркие Тайяре Жемиети)нинг ташкил қилиниши билан илк қадамларини отди. 1925-йилда ташкил қилинган жамият 1933-йилда Турк Ҳаво йўллари Корхона Жамиятиномини.

1930-йилларга келганда, Туркияга келган туристлар сони 45-50 мингтагача чиқди ва туризм соҳаси ҳукумат даражасида ҳам эътиборга олина бошлади. 1930-йилда Ички Ишлар Хавфсизлик Мудурлигида туризм ишлари билан боғлиқ бир бўлим очилди. Айти шу йили Истанбул Ҳокимияти

Иқтисод Ишлари Мудурлигига боғлиқ туризм бўлими ҳам очилди. Шу йилнинг энг муҳим воқеаси эса Халқаро Туризм Бирлашмаси Конгрессининг Истанбулда бўлиши эди.

Туркияда туризм биринчи марта Шокир Бейнинг Иқтисод вазирлиги даврида ҳукумат дастури ва бюджетига киритилди. Жалол Баярнинг Иқтисод вазирлиги даврида туризм билан шуғулланувчи алоҳида бир бўлимнинг ташкил этилиши кераклиги таъкидланиб, 1934-йилда биринчи марта Иқтисодиёт Вазирлигининг Халқаро тижорат Бўлимига боғлиқ ”Турк Офис” деб номланган буйро очилди. Кейинчалик Жалол Баярнинг бош вазирлиги даврида Ведат Недим Тўр бошчилик қилаётган Иқтисодиёт Вазирлиги ичида Туризм Мудурлиги ташкил қилинди. Бу Мудурликнинг олиб борган иш фаолиятида туристларнинг кириш чиқишига алоқадор қонуний тартибларнинг қоида сифатида қабул қилиниши илк фаолият оларок таърифланади. Ушбу ташкилотларнинг аста секин риволаниши билан Туркия туризми 1938-йилда янги бир бўлимга қўшилди. Шу йили ”Турк Офиси”нинг ”Нашриёт ва Тарғибот Хизмати” ичида туризм бўлими очилди.

Марказий ташкилотларнинг ташкил этилиши билан бир қаторда шу йилларда маҳаллий идораларда ҳам бирлашиш алоқаларининг ривожланиши кузатилган. Истанбулда турист оқимининг ортиши билан Истанбул Ҳокимлиги Туризм Шуъбаси, Бурса Ҳокимлиги Туризм бирлашмаси, Измир Маъаният Кўргазмаси Парки ва Туризм Мудурлиги кабиларни шулар қаторига киритишимиз мумкин. Шу йилларда меҳмонхона тармоғидаги бирлашишларнинг олд қаторларида Меҳмонхоналар ва Карвонсаройчилар Жамиятларини айтишимиз мумкин.

1939-йилда Туризм Мудирлиги Тижорат Вазирлигига қарашли Туризм Идорасига айлантирилди. Бошқа тарафдан туризмнинг давлат вазирликлари орасидаги ўрни аниқ тарзда аниқланмаганлиги бу даврда туризмнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятининг янада яхшироқ қадрланиши ва ривожланишининг бутун давлат ташкилотлари тарафидан кузатилиши учун Вазирликлараро Туризм Комиссияси тузилди.

1940-йилларнинг бошида давлат ички туризм ташкилотлари яна бир ўзгаришни бошидан ўтказди. 1940-йилнинг бошида Туризм Идорасининг Матбуот Умум Мудирлигига ва 1943-йилда Матбуот ва Нашриёт Умумий Мудирлигига бириктирилиши Туркия туризмнинг Туризм Вазирлиги даражасига кўтарилишидаги муҳим кадамлардан бири эди. 1949-йилда Туризм Кенгаш Ҳайъатининг ташкил қилиниши билан ҳар йили тартибли равишда ташкил қилинишига ҳаракат қилинган бу кенгашлар соҳада узок йиллар бир форум баҳосини олди. Туризмнинг ривожланишига параллел равишда давлатда ҳам туризм билан шуғулланувчи бўлимлар ташкил қилина бошлади.

1950-йилдаги Ҳукумат Дастури доирасида Матбуот ва Нашриёт Умум Мурирлиги Матбуот-Нашриёт ва Туризм Умум Мудирлигига айлантирилди ва туризм ишлари шу Мудирлик ичидаги Туризм Идорасига топширилди. 1950 ва 1953-йилларда туризм жамиятларининг ташвиқот қонунлари чиқарилди. Ташвиқот чораларининг туризмда амалга оширилишида сармояларга манба бўлиши учун 1954-йилда Туркия Туризм Банки очилди. 1940-йиллардан 1950-йилларгача дунё туризмнинг бирлашиш жараёнидан таъсирланган Туркия ”Туркия Миллий Талаба Федерацияси” номи остида ёшлар туризмнинг жамияти ташкил этилди.

Бугунги кунда дунё миқёсида Туркияга тегишли

- Халқаро Ўқувчи Саёҳат Федерацияси
- Халқаро Ёшлар Туризми Ташкилоти
- Халқаро Ўқувчи Алмашуви Ташкилоти
- Халқаро Кўнгилли Хизматлар Координацияси Конфедерацияси
- Халқаро Ёш Меҳмонхоначилар Федерацияси

- Халқаро Ўқувчи Ташиш Бирлиги каби ёшлар ва ижтимоий ташкилотлар дунё ва Туркия туризмида фаолият олиб бораёттилар. Айниқса, ”Туркия Миллий Талаба Федерацияси” Туркия туризми ва ваколотхоналари учун бир тарбия мактаби бўлмоқда 1950-йилларда ташкил қилинган Туркия Миллий Ёшлар Ташкилоти саёҳат агентликлари оламида олиб борилган энг

жиддий тажрибалардан ва хаттоки, маълум маънода Туркиянинг саёҳат агентликларининг асосини ташкил қилган мактаблардан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Туркия- бу тарих, маданият, ажойиб табиат гўзаллиги уйғунлашган бир канча кўрсаткичлар бўйича устунликларга эга бўлган мамлакатдир. Яшил ўрмонлар, тоғ чанғиси учун қулай бўлган қорли тоғлар, меҳмонсевар одамлар ва такрорланмас ошхона - буларнинг барчаси Туркияга хосдир.

Айниқса ёз туризмнинг юқори даражаси Эгей ва Урта ер денгизи минтакаларига хосдир. Қора денгиз дарёси соҳилларида туризм чегараланган даражада ривожланган, Трабзон, Гиресун, Ризо, Илгазе, Болу, Абант каби юқори тоғли районларда "юқори платолар туризми" ривожланган.

Мамлакатда хизматларнинг етарли инфратузилмаси яратилган, замонавий туристик марказлар очилган. Ёзги таътилнинг оммавий марказларига: Анталья, Аланья, Мармарис, Кушадаси, Бодрум, Фетхие, Кашкиради.

Анталиа ва Истамбул асосий хорижий туристларни қабул қилувчи шаҳарлар ҳисобланади, улардан кейин эса Мугла, Эдирне, Измир, Айдин ва Анкара туради.

2002 йилда Туркияга 13 млн 247 мингта турист ташриф буюрган ва туризмдан келадиган соф даромад 8,5 млрд долларни ташкил қилган. 2005 йилда Туркияни 21 млн 122 минг 798 та туристлар зиёрат қилган бўлиб, 2006 йилга келиб уларнинг сони 19,8 млн кишигача қисқарди. А йнан 2006 йилда туризмнинг экспортдаги улуши 25%ни, ЯММдаги улуши эса 5,7%ни ташкил қилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилга келиб Туркия Республикаси Франция, Испания, Италиядан кейин туризмнинг ривожланиши бўйича дунёда 4-ўринни эгаллайди. Туркиянинг мақсади 2020 йилга келиб туристлар сонини 60 млн кишига, ундан келадиган даромадларни эса 50 млрд долларга етказишдир.

2007 йилга келиб Туркияда мамлакат бюджетига туризм секторидан келадиган даромадларнинг миқдори 23,2 млрд долларга етиб, мамлакат бу кўрсаткич бўйича дунёда 9-ўринни эгаллади.

2006 йилда 16,9 млн кишини ташкил қилган хорижий туристлар сони 2007 йилда 19,8 млн кишига етди. 2008 йилда 8%га ўсиб, 23 млн кишидан ортиди, ундан келадиган даромад эса 20 млрд долларга яқинлашди.

Туризм Вазирлиги туристик бизнес вакиллари билан ҳамкорликда 2007 йилда умумий қиймаги 320 млн долларлик бўлган туристларни мамлакатга жалб қилишга қаратилган лойиҳани амалга оширдилар.

2008 йилга келиб эса Туркия туризмдан келадиган даромад ҳажми ва туристлар сони бўйича дунёдаги етакчи 10 талик мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Яъни 2008 йилда мамлакатга ташриф буюрган туристлар сони 26 млн кишини, туризм келтирган даромадлар эса 21 млрд долларни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2008 йилда иқтисодиётнинг туризм секторидаги ўсиш 13%ни ташкил қилганини, айнан шу даврда бу кўрсаткич дунё бўйлаб 2%дан ошмаганини қайд этиш жоиз. Айнан 2008 йилдаги туризмнинг Туркиядаги ўсиш кўрсаткичлари бутун Африкадаги туризмнинг ўсиш кўрсаткичларига тенгбўлди. Шунингдек 2008 йилда Анталия қабул қилган туристлар сони 9 миллион кишини ташкил қилди, бу кўрсаткич узининг эҳромлари доғруғ қозонган Мисрга ташриф буюрган туристлар сони билан тақослаш мумкин.

2010 йилнинг биринчи кварталда туризмдан келадиган даромадлар 2,2%га қисқариб, йиллик ҳисобда 2,41 млрд. долларга қайтарилган. Ушбу мамлакатга 2010 йилнинг биринчи ярмида 3,75 млн.та турист ташриф буюрган ва уларнинг ҳар бири ўртача 643 долларлик харажат қилган.

2009 йилдаги 9 млн. 068 минг 146 нафар туристлар сони 2010 йилда 11 млн, 116 минг 726 кишига етган. 2010 йилнинг бошидан то июлга қадар эса Анталияга ҳаво йўллари орқали кириб келган 5 миллион хорижий туристлар ташриф буюрган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг айнан шу муддатига нисбатан 13%га ортиқдир. Анталия маданият ва туризм департаментининг ҳисоблашича, бундай тенденциянинг йил охирига қадар қўзғилиши

Анталияга ташриф буюрадиган туристлар сони режалаштирилган 10 миллионга етиши, ҳаттоки ортиши ҳам мумкин. Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, 2001 йилда Анталияга ташриф буюрган умумий туристлар сони 4 миллион 200 минг кишини ташкил қилган.

Анталияга кириб келадиган туристларнинг аксарият қисми Германия ва Россия улушига тўғри келган, яъни ушбу вилоятга ташриф буюрганларнинг 55%и ушбу икки мамлакатдан ташриф буюрган. Улардан кейин эса Голландия, Буюк Британия туради. Шунингдек, 2010 йилга келиб Грециялик туристлар сони 2,7 мартага ва Эронлик туристлар сони 1,85 мартага ортган. Тахминан 3 миллион Россиялик туристларнинг аксарият қисми, яъни 2 миллиони асосан, Анталияга, қолганлари эса бошқа ҳудудларга дам олиш учун борадилар.

Бироқ Туркияга кириб келадиган туристик оқимлар ичидаги анъанавий мамлакат бу Германиядир. Чунончи, 2010 йилга келиб Туркия Германиядан келган туристларга хизмат кўрсатувчи асосий ўрта ер денгизи мамлакатларидан бирига айланиши кутилмоқда, 2009 йилда мамлакатга ташриф буюрган немис туристларининг сони 6,2 млн кишини ташкил қилган.

Чунончи, 2010 йилдан бошлаб европалик туроператорларнинг туристик саёҳатларни янада самарали ва кизиқарли ўтказиш ниятида туристик фаолиятни рағбатлантиришнинг янги

Шунингдек мамлакатдаги аксариятни ташкил қилувчи яна бир оқим бу Россиядир. 2010 йилда Россиялик туристлар сони 2 миллион 465 минг кишини ташкил қилган, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 33%га ортиқ бўлди. Айнан 2010 йилда Россиядан олдинги ўринда Германия, Россиядан кейинги ўринда эса Буюк Британиядан келган туристлар ўрин эгаллаган бўлиб, яъни уларнинг сони 4 миллион ва 2 миллион нисбатни ташкил қилган. Бироқ жаҳон молиявий иқтисодий инкирози шароитида Россиялик ларнинг ҳордик чиқариш учун харажатларни кескин қисқартиришлари, 2009 йилнинг

баҳор ойларида Туркияга рус туристик окимларининг 40%га кискаришига олиб келди.

Шунга карамай 2010 йилга келиб мамлакатга ташриф буюрадиган Россиялик туристларнинг сони ўтган йилга нисбатан 3%га ортди ва уларнинг тахминан 3 миллион кишини ташкил қилиши кутилмоқда. Маълумот ўрнида шунини қайд этиш мумкинки, 2010 йилнинг биргина март ойида Россиядан Туркияга ташриф буюрган туристлар сони йиллик ҳисобда 20%га ошган ва 43 кишини ташкил қилган. Шунингдек, Россиялик туристлар ичида экскурсия саёҳатларига чиққанлар аксариятни ташкил қилади. Мамлакатдаги маданият ва туризм Вазирининг таъкидлашича, Туркия Россия Федерациясини 2011 йилда янги туристик бозорлардан бирига айлантиришни мақсад қилиб қўйган. Айнан 2011 йилда Туркия давлат реклама бюджетини айнан Россия учун оширган. Масалан, айна шу мақсадда 2011 йилнинг дастлабки 6 ойида 9,4 млн. долларлик маблағ ажратилган. Ушбу мақсадда бутун 2009 йил учун ажратилган маблағлар эса 10 млн. долларни ташкил қилган эди. Шунингдек турли хил тижорий структуралар ҳам тахминан 30-40 миллион доллар маблағни айнан Россия учун ажратган.

Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Туркияга ташрифи чоғидаги икки мамлакат ўртасида виза қилишувларини бекор қилиш тўғрисидаги Анакарада имзоланган қелишув Туркиянинг туризм секторига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди ва натижада йил охирига келиб мамлакатдаги Россиялик туристларнинг сони 3 миллионгадан ортиши кутилади.

Катта даромадларга эга бўлишни кўзлаётган Туркия мавжуд ресурсларга суянган ҳолда ўзининг туристик сиёсатини қайта қўриб чиқмоқда. Туризм Вазирлиги туризм индустриясига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган турларини ривожлантиришга қаратилган самарали фаолият амалга оширилмоқда.

Туркия маданият ва туризм вазирлиги **"Турк туристик секторига янгича нигоҳ"** лойиҳаси миқёсида янги информацион стратегияларни

кўлламоқда. Турли хил туристик хизматлардан ташқари мамлакатни уникал табиат ва туристик имкониятларга, бой маданий қадриятларга эга бўлган географик қулай ўрта ер денгизи мамлакати сифатида танитиш бу йўналишдаги туризм рекламасидаги энг биринчи стратегиялардан ҳисобланади. Турли хил туристик маҳсулот ва хизматлар деганда мамлакатдаги маданий туризм, шаҳар транспорти ва спорт транспорти каби соҳаларнинг ривожланганлиги назарда тутилади.

2009 йил июль ойи маълумотларига кўра, Туркиянинг аҳолисининг 76.805.524 кишини ташкил қилиб, мамлакат дунёда аҳоли сони бўйича 18-ўринда туради. Туркия Республикасида ҳозирги кунга қадар 12 мартта аҳолини рўйхатга олишлар бўлиб ўтган. Биринчи мартта рўйхатга олиш эса 1927 йилда бўлиб ўтган бўлиб, бу даврда аҳолининг сони 13.648 кишини ташкил қилган. Аста-секин мамлакатдаги демоографик ўсиш кўрсаткичи кўтарилиб бориши натижасида, мамлакат аҳолисининг сони 1955й- 24,112млн, 1990й- 50,664 млн, 1997й- 62,800млн, 2000й-67,804 млн, 2004й- 68,89млн, 2006 й-72 млн кишини ташкил қилди.

2.1.1-жадвал

Туркия аҳолисининг ўсиш динамикаси

(млн киши)

Йиллар	1955 й	1990 й	1997й	2000й	2004й	2006 й	2009
Аҳоли сони (млн киши)	24 .112	50 .664	62 .800	67.804	68.890	72,0	76.805

Мамлакатдаги дастлабки рўйхатга олишлар даврида мамлакатдаги демоографик ўсиш кўрсаткичи 2,7%ни ташкил қилган бўлса, 1955 йилдан 1985 йилгача бўлган даврда бу кўрсаткич 3,7%га кўтарилди, аммо, 1990-97 йиллар оралиғида эса 1,5%га тушиб кетди. 2009 йилга келиб эса, демоографик ўсиш 1,3%га тушиб, мамлакат аҳоли сонинг ўсиш суръати бўйича дунёда 102-ўринни эгаллай бошлади.

Туркияда аҳолининг ўсиш суръати динамикаси
(%)

Йиллар	1927	1955-85	1990-97	2009
Демографик ўсиш кўрсаткичлари(%)	2,7%	3,7%	1,5%	1,3%

Мамлакатда аҳолининг зичлиги 96 киши /кв км.ни ташкил қилади.Мамлакат дунёда табиий ўсиш кўрсаткичи бўйича 110-ўринда туради. Ушбу кўрсаткичнинг ижобий томонга қараб ўзгариши, мамлакатдаги ижтимоий соҳа ва турмуш даражасининг кўтарилиши, шунингдек соғлиқни сақлаш хизматлари сифатининг кўтарили, айниқса ёш болалар ўртасида ўлим коэффицентининг қисқариши билан изоҳланади. Гарчанд бу кўрсаткич 1997й- 38,8%ни, 2000й- 28,9%ни, 2004 й-12,7%ни, 2007й- 16%ни ташкил қилган бўлса, 2009 й июль ҳолатига 18,6%ни ташкил қилди.

Ўз навбатида Туркияга ишчи кучи импорт ҳам қилинади.Мигрантларнинг катта қисми мамлакатга 1923-60 йилларда кириб келган. Мигрантларнинг асосий қисми туркий забон мусулмонлар бўлиб, улар асосан греклар, болгарлар, Руминияликлар ва Югославияликлардир. 1960 йиллардан бошлаб энг катта миграция оқими болгариядан кириб келан бўлиб, бунга сабаб Болгария ҳукуматининг турклар этник гуруҳини ажратиш сиёсати бўлган. 1989 йил мобайнидаги болгариялик туркларнинг оқими ҳукумат учун кутилмаган ҳол бўлди. Натижада Болгария ҳукумати билан музокаралар олиб борилиши ва режимнинг ағдарилиши мигрантлар оқимини камайтирди. Янги Болгария ҳукуматининг сиёсати кўплаб туркларнинг қайтиб боришига имконият яратди. Маълумотларга кўра, шу даврда 3000-та болгариялик турклар Туркияга кириб келган бўлса, шулардан 15000 таси қайтиб кетган. Лекин шундан кейин болгариялик туркларнинг Болгариядаги иқтисодий қийинчиликлар туфайли Туркияга туристик визалар билан кириб келувчи оқими бошланиб кетди. Аммо минтақадаги этносиёий низолар ва тартибсизликлар туфайли мамлакатнинг иммиграцион масштаб ива

географиясини ўзгартириб юборди. Мамлакат Эрон, Ироқ, Югославия ва Косоводан келувчи кутилмаган миграция оқимларини қабул қилиш имкониятига эга бўлмай қўйди.

Шунингдек мамлакат ичидаги миграция жараёнлари ҳам алоҳида эътиборга молик. 2007 йилда мамлакат фуқароларининг манзилини рўйхатдан ўтказиш тизимининг жорий қилиниш мамлакат ичидаги миграция жараёнларини кузатишда жуда ас қотди. Кузатишларга кўра, биргина 2008 йилда 2.2 млн турклар мамлакатнинг бир қисмидан иккинчисига кўчиб ўз яшаш жойларини ўзгартирганлар.

Мигранталарнинг аксарият қисмини яъни 92 минг кишини Анталия қабул қилган бўлсада, уларнинг 55 мингтаси кейинги йили ушбу ҳудудни тарк этганлар ва 36 минг киши доимий яшаш учун қолган. Бу кўрсаткичлар Анталияни мамлакатдаги энг оммабоп ички миграци ҳудудларидан бирига айлантирди.

Аммо умумий мигрантларни қабул қилиш бўйича рўйхатда биринчи ўринда Истамбул туради. Бироқ шаҳарда доимий яшаш учун қолувчи турклар ҳақида гап кетганда Истамбул ўз ўрнини Анталия, Бурса, Анкара ва Измирга бўшатиб бериб бу кўрсаткич бўйича 5-ўринни эгаллайди.

Шу билан Истамбул шаҳарни тарк этувчилар аҳолиси сонининг кўплиги билан ҳам 1-ўринда туради. Масалн, 2008 йилда Истамбулни 348 минг киши, Анкарани 126 минг киши, Измирни 89 минг киши ва Анталияни 55 минг киши тарк этган.

Анталияга асосан малакали ишчилар кўчиб келадилар. Ушбу ҳудудда туриз сектори гуллаб яшнагани учун доими бўш вакансиялар мавжуд бўлади. Шунингдек Туркиянинг Ўрта Ер денгизи минтақаси шовқин ва катта шаҳарларнинг беҳаловатлигидан дам олишни истаган нафақа ёшидагиларни кўплаб қабул қилади. 2008 йилда Истамбулдан Анталияга 10000 киши кўчиб келган. Шунингдек ушбу ҳудудга Анкара, Испарта ва Мерсиндан ҳам кўплаб ички мигрантлар кириб келади.

2.2. Туркия туризми ривожланишининг замонавий ўзгаришлари

Туркия туризм ривожланиши бўйича Яқин ва Ўрта шарқ минтақасида тараққий этган инфратузилмага ва жуда такомиллашган маркетинг стратегиясига эга.

Мамлакатнинг Эгей, Ўрта Ер денгиз минтақаси туризм салоҳияти мужассамлашган ҳудуд ҳисобланади. Бу минтақада Анталя, Алания, Мармара, Қушадаси ороллари, шунингдек, Бордрум, Фатҳия ва Каш марказлари мавжуд.

Трабзон, Гиресун, Ризе, Илгаз, Болу, Абанд каби ҳудудларда куруқлик ҳудуди билан боғлиқ туристик фаолиятлар ривожланган. 2009 йил давомида Анталияга 4,8 млн. киши ташриф этди. Бу турикяда энг кўп сонли турист жамланадиган шаҳар ҳисобланади. Йирик истамбул шаҳрига шу йили 4,3 млн. киши ташриф буюрган.

Кейинги ўринларда Муғла, Эдирне, Измир, Айдин, Анқара шаҳарлари кейинги ўринлардан жой олмоқда.

Агар 2001 йилда турикяга 11 млн. 600 мингдан ошиқ турист ташриф этган бўлса, 2005 йилда 13 млн. кишидан ошиқни, 2009 йил давомида бу кўрсаткич 12 млн. 250 минг кишидан ошиқни ташкил этди.

Жаҳон туризм ташкилоти тахминларига кўра, “Туризм: 2020 Европа қарашлари” докладида Туркия туризмдан келадиган даромад ҳажми бўйича 2020 йилда Франция, Испания ва Италиядан кейин Европада 4 ўринни эгаллайди. Бу йили туризмдан келадиган умумий даромад 40 млрд. АҚШ долларидан ошиши режалаштирилмоқда. Бу даврга яъни 2020 йилга келиб Туркияга 60 млн. киши ташриф этиши тахмин қилинмоқда.

Туркия республикасида туризм соҳасидан тушган фойда ўтган йилнинг айни мавсумига нисбатан 11,6% га ортди.

Туркия статистика ташкилоти, 2009 йилнинг октябр, ноябр ва декабр ойларини ўз ичига олган мавсумнинг статистика ҳисоботини изохлади.

Ўтказилган анкетанинг натижаларига кўра, 2009 йилнинг сўнги мавсумида туризмдан тушган фойда, ўтган йилнинг айни мавсумига нисбатан 11,6% нисбатида ортди.

Бу билан бирга, Туркияга келган турист сони 2009 йилнинг сўнги мавсумида ўтган йилнинг айни мавсумига нисбатан 10,4% га ортди.

Германиянинг пойтахти Берлинда уюштирилган халқаро туризм кўргазмасига Туркия меҳмон сифатида катнашган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Туркия маданият ва туризм вазири Ертугрул Гунай ҳам катнашди.

Маросимда Туркияда фаолият кўрсатган Анадолу Атеши рақс гуруҳи иштирокидаги намоёишлар томошабинлар эътиборида катта қизиш уйғотди.

187 давлатдан жами 11 мингдан зиёд ширкат катнашган кўргазмада, Туркия, 3 минг метр квадратлик майдонда ўз туризмини танитишга ҳаракат қилади.

Туризм соҳасида дунёда 4-бўлган Туркиянинг ўз олдига қўйган мақсади мазкур йил 1-ўринга чиқишдан иборат.

2010 йили европа маданият пойтахти деб эълон қилинган Истанбул шаҳри, мазкур йил мобайнида 10 миллион туристга мезбонлик қилишни кутмоқда.

Ўтган йилги рақамлар бу ҳақдаги умидларни янада орттирмоқда.

Истанбулга келган турист сони ўтган йил курравий инқирозга қарамасдан, 6,5 % ортиб 7 ярим миллионга юксалди.

Истанбул, шарқ билан ғарбни бирлаштирган маданиятларнинг пойтахти ҳисобланади.

Тарихи, табиати ва маданияти билан бирга халқининг меҳмондўстлиги чет эллик туристларни яна ҳам ўзига чорламоқда.

Туркияда 2010 йил, туризм жиҳатидан ижобий натижалар билан кутиб олинди.

Истанбулга келган туристлар орасида Истанбулга шайдо бўлиб, 10 марта саёҳат қилганлар ҳам бор.

Истанбул шаҳрининг 2010 йил европа маданият пойтахти сифатида эълон қилиниши сотувчиларни ҳам севинтирди.

2010 йил Истанбул шаҳри учун туризм жиҳатидан жуда бой йил бўлади.

Асосий мақсад, дунёдаги машҳур шаҳарлар каби Истанбулни ҳам бир туризм марказига айлантиришдан иборат.

Шунинг учун ҳам Истанбулнинг 2010 йили европа маданият пойтахти деб эълон қилинганлиги катта аҳамият касб этмоқда.

Маданиятлар бирлашган Истанбул шаҳри, расман европа маданият пойтахти унвонига муяссар бўлди.

Мавзуга доир “Истанбул 2010 Европа маданият пойтахти” деб номланган тантанали маросимлар шаҳарнинг бир қатор даҳасига амалга оширилди.

Туркия президенти Абдуллаҳ Гул ва бош вазир Ердоганнынг мезбонлигида Ҳалич конгрес марказида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимига, дунёнинг қатор давлатларидан мингларча меҳмон ташриф буюрди.

Бош вазир Ердоган маросимнинг очилишида сўзга чиқди. У сўзлаган нутқида европа маданият пойтахти унвони бир йил мобайнида Истанбул шаҳрининг ғурури бўлишини тилга олди. Шунингдек, бош вазир Ердоган, “-Фақатгина Истанбул шаҳрининг ўзи, Туркиянинг бир европа ўлкасидир”- деди. Истанбул шаҳрининг 3 императорликка пойтахтлик қилганлиги, маданий меъроси, мусиқаси, рақси, шеър ва тасвирлари билан намоён қилинди. европа парламенти ва европа Иттифоқи маданият вазирлар кенгашининг талабига биноан Истанбул билан бир қаторда Мажаристоннинг Пеш ва Германиянинг Эссен номли шаҳарлари ҳам 2010 йил европа маданият пойтахти сифатида эълон қилинди.

Европа маданиятига ҳисса қўшган ва европа маданиятининг муштарак хусусиятларини ўзида мужассам этган шаҳарларга берилган бундай унвон дастлаб 1985 йилда Юнонистоннинг пойтахти Афинага берилган эди.

2.2.1 - жадвал

Туркияга келган ва Туркиядан кетганлар сони ўзгариш динамикаси

	2004	2005	2006	2007	2008	2009
кетганлар	3,5	3,83	4,2	4,1	4,93	4,8
келганлар	19,1	21,0	20,4	22,0	24,8	26,0

www.turkey-info.ru

Туркияга туристлар ташриф буюриши 2002-йилдан 2005-йилгача мунтазам равишда ўсиб, 12.8 миллиондан 21.2 миллионга етди ва Туркия хорижий туристлар сони бўйича дастлабки ўнликка кирди. Туркиянинг 2005-йилдаги даромади 17.5 миллиард \$ бўлиб у дунёнинг кучли ўнинчи давлати бўлди.

2.2.2 - жадвал

Туризм инфратузилмаси объектлари ўзгариши динамикаси

	1982	1988	1992	1998	2002	2008
Туризм соҳасида фойдаланилаётган турар жой сифатида рўйхатга олинган объектлар сони	602	814	1480	1713	2023	2391
Туризм соҳасида инвестиция объекти сифатида рўйхатга олинган турар жой объектлари сони	409	825	1890	1521	1100	784

www.tsmb.gov.tr

2008-йили Туркияга 30 миллиондан ортиқ турист келган. Туркияга кўплаб туристларни жалб қилган нарсалар булар: археологик ва тарихий ёдгорликларга бойлиги, Егей ва Ўртаер денгизи соҳилбўйи курортлари ҳисбланади.

Туристлар асосан Буюк Британия, Германия, Исроил, Россия ва Япониядан келишади. Мамлакатга араб давлатлари, Ерон, Франция ва Скандинавиядан келадиган туристлар унчалик кўп эмас. Британиядан келадиган туристлар асосан Егей денгизи соҳилларидаги курортларга, асосан Бодрум ва Мармара курортларига келишади. Германия ва Россиядан келадиган туристлар асосан Ўрта ер денгизи соҳилларига келишади (Анталиа каби). Япониядан келган туристлар асосан Ефес ва Истанбулга ўхшаган

тарихий шаҳарларга келишади.Испаниядан туристлар охирги йилларда ортяпди. 2007-йилда 200.000 Испаниялик Туркияга ташриф буюрган.

Истанбул Туркиянинг энг муҳим туристик марказларидан бири.Бу ерда минглаб меҳмонхоналар ва бошқа шу соҳа билан боғлиқ саноат курилишлари мавжуд.

2.2.3-жадвал

Туркиядан бошқа давлатларга кетганларнинг мақсадига кўра тақсимланиши (Туркия фуқаролари)

	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Жами	3 414 843	3 844 495	4 124 830	4 063 179	4 956 069	4 892 717
Gezi, Eğlence-Travel, Entertaiment	526 619	609 839	622 367	590 285	1 045 244	1 003 236
(%)	15,4	15,9	15,1	14,5	21,1	20,5
Kultur-Culture	67 847	23 932	16 828	29 679	74 640	28 765
(%)	2,0	0,6	0,4	0,7	1,5	0,6
Sportif İşleri-Sports events	22 420	11 769	9 500	12 883	32 297	28 753
(%)	0,7	0,3	0,2	0,3	0,7	0,6
Yakınları ziyaretleri-Visiting relatives and friends	833 239	817 467	953 222	933 983	1 116 948	1 206 084
(%)	24,4	21,3	23,1	23,0	22,5	24,7
Sağlık-Health reasons	38 843	61 841	47 248	41 397	18 505	20 057
(%)	1,1	1,6	1,1	1,0	0,4	0,4
Dini-Religious	0	5 072	96 286	101 178	32 942	46 417
(%)	0,0	0,1	2,3	2,5	0,7	0,9
Alışveriş-Shopping	169 913	140 824	101 801	51 446	61 295	73 600
(%)	5,0	3,7	2,5	1,3	1,2	1,5
Toplantı, konferans, kurs,seminer Meeting, conference course, seminar	77 858	103 857	93 652	104 859	168 093	165 617
(%)	2,3	2,7	2,3	2,6	3,4	3,4
Gorev-Job	300 829	331 630	277 901	308 257	612 793	421 529
(%)	8,8	8,6	6,7	7,6	12,4	8,6
Ticari İşleri Fuar-Commercial relations, Exhibitions	622 509	922 742	834 822	742 788	813 563	855 669
(%)	18,2	24,0	20,2	18,3	16,4	17,5

Kultur ve Turizm Bakanlığı, www.turkstat.gov.tr

Истанбул Туркиянинг энг катта шахри бўлиши билан бирга, Византия ва Усманийлар каби давлатларга пойтахтлик қилган даврлардан қолган кўплаб ёдгорликларга эга. Жумладан, Султон Аҳмад масжиди, Аясофия,

Топкапи саройи, Долмабахче саройи, Галатасарой, Гранд бозори кабиларни киритишимиз мумкин.

Денгиз туризми дунёда ва Туркияда ҳар бир ўтган кун янада кўпроқ рағбат кўряпти. Туркия эга бўлган табиий бойликлари билан денгиз туризми соҳасида катта бир потенциалга эга. Бутун дунёда туризм фаолиятлари, ”фаол таътил келишувларига”га айланыпти. Яъни, туристлар энди актив бўлиб турли фаолиятлардан фойдаланишяпти, елканлардан фойдаланишяпти, эшкак эшишяпти, кемаларида сайр қилишяпти. Қайиқчилик эса фаол фаолиятларнинг энг биринчиси сифатида эътироф этилади. Туркиянинг географик ҳолати ва соҳилларининг қулайлиги туфайли қайиқчиликнинг ривожланиши учун етарлигича мос мамлакат. Ўртайер денгизи, Егей, Қора ва Мармара денгизлари, қайиқчиларга ҳар кун ҳар хил сувларга ва кўрфазларга лангар ташлаш имкониятини беради. Сўнгги 25 йил ичида ён ёнга қурилаётган портлар таътилчиларнинг хавфсиз шароитларда қуриқликка чиқиши ва бир қанча имкониятлардан бир пайтда фойдаланиш имконини бераяпти. Иқтисодий рақамлар туризм ривожланишининг тезлигини кўриш учун жуда муҳим. Туркияда соҳалар ичида йилда ўртача 12.1% ўсаётган ягона соҳа бу туризмдир. Туризм сектори экспортнинг 27% гача валюта келтираяпти ва 2.5 миллионга яқин кишига хизматни таъминлай олади. Туркиянинг ривожланиш ва тикланишида туризм секторининг энг муҳим тармоқларидан бири бу денгиз туризмидир.

1983-йилдан амалга киритилган Туризмни рағбатлантириш қонуни билан хорижий байроқли қайиқларнинг 3 ой ичида бир кириш-чиқиш мажбурлиги олиб ташланди. 5 йил давомида Туркияда қолиши, турк сувлари ва портлари орасида эркин сайр қилиши таъминланди. Бундай вазиятда пайдо бўлган рақобат натижасида 1970-йилларда ”мовий ёъловчилик” номини олган катта балиқчи қайиқлари тарафидан бошланган Бодрум-Гўкова саёҳатлари, 1983-1992-йиллар орасида тезлик билан ривожланди ва Туркия туризм секторини яратди. Сектор, 2000-2002-йиллар давомида деярли 2.5 миллиард \$ валюта киришини таъминлаган.

Дунёдаги туризмга қараганимизда, Ўртаер ва Кариб ороллари туризмнинг энг муҳим марказлари сифатида эътироф этилади. Ўртаер денгизидаги боғлаш ҳажмининг(куватининг) 85% и Франция, Италия ва Испания ўртасида тақсимланади. Уч тарафи денгиз билан ўралган Туркиянинг улуши эса фақатгина 5% га тенг. Туркияда 10.500 боғлаш қобилиятига эга бўлган 14 та қайиқ порти бор.

Туркия халқаро портларига келган 12 метрлик ҳар бир хорижий байроқли кемалардан йилда ўртача 3.000 \$ олинади. Айтиш керакки, қайиқчи истаса, 600 \$, таъмирлатиш татаб этилса, 3000-5000 \$ орасида пул олинади. Бошқа тарафдан, Туркияда қайиқ кира қилишни истаган бир қайиқчининг ўртача қолиш даври 11 кун, кунлик харжлаши эса 104 \$. Бошқача айтганда, бир қайиқнинг Туркияга олиб келган валютаси 20 та туристнинг харажатларига тенг. Туркия туризм ишлаб чиқариш воситалари ва кучларини ортириши учун туризм тарафидан бир “жозиба маркази” ҳолига келиши лозим. 1992-2002-йиллар орасида Дидим, Бодрум, Тургутreis, Даламан, Анталя, Фетҳия(Чавушли), Бозбурун, Датча ва Каш портлари учун импорт очилиши хусусий секторнинг 6.000 қайиқлик боғлаш қобилиятини яратмоқчи янги порт лойиҳаларининг амалга оширилишида ўтган даврда фақатгина Тургутreis қайиқ портининг очилиш ҳолатига келганини тушунсак, Туркиянинг олдида денгиз туризмида қилиши керак бўлган узун бир ёл бор.

Дунё туризм ташкилоти 2008-йилда юз берган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозига қарамай Туркия туризм сезонини муваффақиятли ўтказган мамлакатлар орасидан жой олганини маълум қилди. Маъданият ва Туризм Вазирлигининг маълумотларига кўра 2008-йилда Туркияга келган турист сонининг олдинги йилга нисбати 1,3% га ортиб 26% ни, яъни, 336.677 киши этиб маълумот берилди. Турк туризмнинг ичида юз берган энг муҳим ўсишлардан бири этиб баҳоланди.

Дунё Туризм Ташкилотининг 2008-йилда энг яхши натижалар олган минтақалар бўйича 11% ўсиш билан Ўрта Шарқнинг бўлиши ва Африкада

5%, Америкада 4% лик ўсиш қайд қилинганини маълум қилгани ва Африка, Осиёда сезиларли бир пасайиш бўлганини айтиши, статистиклар тарафидан маълум қилинди. Европа Саёҳат комиссияси 2009-йилда саёҳат ва туризмдаги энг катта ёъқотишлар бу узоқ муддатли саёҳатларда юз бергани ва шу билан бирга қисқа муддатли саёҳатларда ўсиш бўлганини маълум қилди.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ва ”чўчка ” гриппи таҳдидининг турк туризми ва унинг бошқа рақибларига таъсир этиб этмаганини текширилганида эса, Туркия 2009-йилда озгина бўлса ҳам ўсиш кузатилиши айтилганди. 2009-йилнинг 25-августида Хуррият газетасида Ҳанифа Бош томонидан ёзилган мақоласи бу тахминнинг қанчалик тўғри эканини исботлади. Турк туризмнинг ,айниқса, хорижда кучли олиб борилган танитиш компанияларнинг ёрдами билан 2009-йилнинг илк етти ойида ўтган йилнинг худди шу даврига қараганда 1.1% ўсиш билан 14.9 миллион турист билан тамомлаганлиги ҳақида маълумот берилди. Худди шу хабарда Туркияда ортиши билан бир қаторда Ўртаер денгизи соҳилларидаги энг муҳим рақибларидан ҳисобланган Юнонистонда умумий турист сони бўйича 8.6%, Испанияда 5.5%, Мисрда 7.7% пасайиш кузатилгани айтилган.

Дунё саёҳат ва туризм кенгаши тарафидан 2009-йилнинг март ойида берилган маълумотдаги тахминлар маълум миқдорда тўғри чиқди. Хабарда 2009-йилда Туркиядан олдинда келган рақиблари Испания, Юнонистон, Италия ва Миср туризмнинг пасайиши кутилганлиги айтилган ва бу пасайиш Испанияда 4.9%, Юнонистонда 1.8%, Италияда 5.5%, Мисрда 2.8% миқдорида пасайгани қайд қилинди. Бунга қарамай, Туркия туризмнинг тахминан 1.3% ўсиши тахмин этилганди. Дунё Туризм Ташкилотининг 2009-йил май ойида Мадридда ўтказган матбуот анжуманида Туркиянинг иқтисодий инқирозга қарамай турист сонининг ортган мамлакатлар қаторида турганлиги қайд этилди. Туркия 2023-йилда кучли беш давлат ичига кириш учун ҳаракат қиляпти.

2.3. Жаҳон молиявий инқирози шароитида Туркия тажрибасидан Ўзбекистон туризмни ривожлантириш жараёнида фойдаланиш имкониятлари

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида кўтарилган масалалар, қоида ва ҳулосалар бевосита хизматлар, жумладан туризм соҳасига ҳам тегишлидир.

Ўтган 2008 йилда жаҳон бўйича туризмнинг ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин бўлган бир қатор воқеалар содир бўлди: Мумбайдаги террорчилар хуружи, дунёнинг турли чеккаларидаги сув тошқинлари (Маньянмар, Бразилия, Мексика), торнадолар (Кариб денгизи ҳавзаси), зилзилалар (Хитой), ўрмон ёнғинлари, вулқон отиши (Чили), 350 туристнинг аэропортда қамалиб қолиши (Таиланд) кабилар. Бу воқеаларнинг туризмга таъсири асосан локал аҳамият касб этди ҳамда оқибатлари олдинги йиллардаги бўҳронларга нисбатан тез бартараф этилди. Бироқ, йилнинг бошида нефтнинг нархи ошиб кетиши, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келиши ҳамда валюта курсларининг беқарорлиги кабилар халқаро туризмга кучли таъсир этди.

Инқироз юзага чиқишидан олдин йилига 5,5-7 %дан ортиб келаётган халқаро туризм 2008 йилнинг биринчи ярмида олдинги йилнинг биринчи ярмига нисбатан 5 %га ўсган бўлса-да, йилнинг иккинчи ярмида олдинги йилнинг иккинчи ярмига нисбатан 1 %га камайди. Натижада, 2008 йилда халқаро туризм 2 %га ўсди холос. Туризм жаҳон молиявий инқирозининг зарбасига учраган қурилиш, кўчмас мулк савдоси, автомобиль саноати кабиларга қараганда ўз барқарорлигини сақлаб қолган бўлса-да, қатор

мутахассисларнинг билдирган фикрларича, халқаро туризм ўсишдан тўхтади.

Жаҳон молиявий инқирози натижасида жаҳонда ишсизликнинг ортиши инсонларнинг туристик хулқ-атворларини ўзгартириб юборди:

1) Туристлик саёҳатларни 5-6 ой олдин режалаштириш ҳоллари камайиб кетди. Натижада ноаниқлик шароитида қолган турагентликлар меҳмонхоналар берадиган нарх чегирмаларидан фойдаланиш имкониятини қўлдан бой берганлиги учун саёҳатлар туристлар учун қимматлашиб кетди (меҳмонхоналар ўз хоналарини турагентликларга шартнома асосида арзонроқ нархларда сотадилар).

2) Саёҳатлар нархлари ошганлиги талабни камайтириб юборди. Илгари арзон нархларда саёҳатга чиқувчилар эндиликда ўз саёҳатларидан воз кеча бошлади. Илгари қиммат нархдаги саёҳатларни танловчилар эндиликда арзон саёҳатларни танлайдиган бўлдилар.

3) Чартер рейслари асосидаги саёҳатлар камайиб кетди.

4) Харажатларни камайтириш мақсадида туристлар саёҳат масофаси ва давомийлигини камайтираяптилар.

5) Рақобатда енгил мақсадида рақобатчи мамлакатлардаги турмахсулотларнинг сифати оширилиб, нархлари эса пасайтириб борилмоқда.

6) Жаҳондаги инқирознинг кучайиши минтақалардаги асабийлик ва тажовузкорликни орттириб юбориши мумкин.

7) Жаҳон бозорида келажакнинг ноаниқлиги иқтисодий прогнозлашни қийинлаштириб юборди.

8) Саёҳат давомида дўстлар, танишлар ва қариндошларнинг уйларида тунашга интилиш кучайди.

9) Туристлик эҳтиёжларнинг асосий эҳтиёжлар қаторига кириш жараёни вақтинчалик секинлашди.

Истеъмолчиларнинг хулқидаги бундай ўзгаришлар Ўзбекистон туризмига турли даражада таъсир этиши кузатилмоқда.

Олдиндан банд қилишнинг камайиши асосан ишловчи шахсларда кузатилаяпти, яъни истиқболда туризмга чиқиши кутилаётган инсонларнинг баъзилари ишсиз қолган, ишлашда давом этаётганлар эса, ўз ишини сақлаб қолиш мақсадида таътиллардан воз кечмоқда. Бу ҳол Ўзбекистон туризмига кучли таъсир этмайди, чунки ўлкамизга келаётган туристларнинг аксариятини ишламаётган нафақахўрлар ташкил этади, улар ўз саёҳатларини бемалол бир неча ой олдиндан белгилай оладилар.

Ўзбекистондаги асосан 4-5 юлдузли меҳмонхоналардан фойдаланувчи туристларнинг сони кескин камайиб кетди. 4-5 юлдузли меҳмонхоналар хизматларига талаб камайса-да, 2-3 юлдузли меҳмонхоналарга бўлган талаб камаймаяпти. Ўзбекистондаги меҳмонхоналарнинг катта қисмини 2-3 юлдузли меҳмонхоналар ташкил этгани учун, уларнинг мижозлари сони кучли қисқармаган ҳолда, республикамиз бўйича халқаро туризмдан олинадиган даромад сезиларли даражада пасайиши мумкин.

Олдиндан бронлаш камайгани учун чартер рейслари камроқ ташкил этиладиган бўлди. Бундай ҳолда хорижий туркомпаниялар Ўзбекистон меҳмонхоналари ўринларига ва авиарейслар чипталарига биргаликда буюртма бера бошлашади. Бу хорижий туркомпанияларининг стратегик ҳамкорликни ўрнатишлари, қўшилишларига замин яратиб беради ҳамда хорижда янада йирик ва кучли туркомпаниялар пайдо бўла бошлайди.

Саёҳатга чиқишга қарор қилган туристлар ўз мамлакатлари ичида дам олишни ёки яқин қўшни мамлакатларга чиқишни танлайдилар. Ўз хоналарини мижозлар билан тўлдириш учун Ўзбекистондаги меҳмонхоналар таклиф этаётган ҳашаматли хизматларни камайтирган ҳолда нархларни арзонлаштириб, ички (маҳаллий) туристларга мос келувчи хизмат ва нархларни жорий этишларига тўғри келаяпти.

Туркорхоналаримиз ҳам ўз хизматларининг сифатини оширишлари, ҳеч бўлмаса турмаҳсулотга нарх белгилаш тизимларини қайта кўриб чиқишлари шарт бўлади. Яъни, иложи бўлса таклиф этилаётган хизмат

сифатини нархларни ўзгартирмаган ҳолда оширишга ҳаракат қилиш керак бўлади.

Нотинчлик шароитида эса, туризмга ўрин бўлмайди. Яъни, турист ўз саёҳатини амалга ошириб, охирида ўз ватанига эсон-омон қайтиб келишни режалаштирадиган инсон. Турист ўз саёҳати давомида унга бирор хавф таҳдид этиши мумкинлигини англаса, саёҳатга чиқмай қўя қолади. Ноаниқликнинг ортиши эртанги кунга бўлган ишончни камайтиради. Шу сабабли, туризм соҳасига кредит ва инвестициялар бериш, янги қурилишлар тўхтаб қолади. Ноаниқликнинг ортиши туфайли Ўзбекистон ҳукумати миллий корхоналаримизга солиқларни тўлашда катор имтиёзларни жорий этди.

Меҳмонхоналаримиз ўз танишларининг уйларида тунайдиган туристларнинг эҳтиёжларини чуқур ўрганиб, уларни жалб этадиган хизматларни таклиф этишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Туркорхоналаримиз мижозлар бизни ўзлари топиб келаверишади деб кутмасдан, мижозларни жалб этиш ишлари бўйича фаоллик кўрсатишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда маркетинг тадбирларини кучайтириш тавсия этилади. Жаҳон бўйича реклама буюртмаларининг камайганлиги маркетинг ташвиқотлари таннархи арзонлашишига олиб келди, бу ҳол маркетинг тадбирларини янада самарали амалга ошириш имкониятини яратиб беради.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек: “Дунёнинг нуфузли экспертлари томонидан билдирилаётган фикрларга кўра, бу инқироз 2009 йилда ва 2010 йилда ҳам давом этиши ва эҳтимол янада чуқурлашиши кутилмоқда”¹.

Юқоридагиларни инобатга олиб, истеъмолчиларнинг хулқидаги ўзгаришлар натижасида ўзгарган шароитларга мослашиш мақсадида миллий туристик корхоналаримизга қуйидагилар тавсия этилади:

1. Ўзбекистонга келувчи ёши улуг мижозлар нархларга таъсирчан бўлганликлари учун меҳмонхона нархларининг қимматлашувини олдини

олиш ҳамда мамлакатимизга амалга оширилувчи халқаро транспорт нархларини пасайтириш йўллари излаб топишга ҳаракат қилиш лозим.

2. Инқирознинг зарарли таъсиридан омон қолиш учун ҳар бир сотилган туристик йўлланмадан олинадиган фойданинг йириклиги эмас, балки сотилган туристик йўлланмаларнинг умумий миқдори юқорилиги (йўлланмалар айланмаси) тўғрисида қўпроқ қайғуриш лозим бўлади. Йўлланмалар айланмасини тезлаштириш учун эса, нархларни пасайтириш тавсия этилади.

3. Хорижда кучли рақобатчиларнинг пайдо бўлиши натижасида ўсаётган рақобат шароитида енгилмаслик учун Ўзбекистондаги туркорхоналаримиз ҳам бир-бирлари билан қўшилишлари тавсия этилади.

4. Ўзбекистонга келадиган хорижлик туристлар сонини ошириш учун қўшни мамлакатлар фуқароларига туристик визалар бериш тартибини янада енгиллаштириш лозим. Шу ерда таъкидлаб ўтиш жоизки, юртимиз туризм ташкилотлари Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Ҳитой, Қирғизистон ташкилотлари билан ҳамкорликни бошлаб юбордилар.

5. Ҳар эҳтимолга қарши, миллий туркорхоналаримиз умуман фойда қолдирмайдиган туристик йўлланмаларга, “текин” меҳмонхона ўринлари стратегияларига тайёрланишлари лозим бўлади. “Текин” йўлланма ичига ҳеч қандай хизмат киритилмайди, унинг истеъмолчилари хоҳлаган хизматларни алоҳида ҳақ эвазига буюришлари мумкин.

6. Тур корхоналаримиз ўз бозорларига тааллуқли бўлган мамлакатлардаги криминоген вазият билан муттасил равишда танишиб боришлари мақсадга мувофиқ.

7. Хусусий корхоналаримиз бутунлай янги турдаги меҳмонхоналарни қуриш ва янгича турмаҳсулотларни яратишни лойиҳалаштиришлари лозим.

8. Ўзбекистонга шахсий таклифномалар асосида кириш визаларини олувчилар тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаб, уларни ўз меҳмонхоналарига жалб этишга ҳаракат қилишлари керак.

9. Ўзбекистонда малака ошириш ёки янги касбни қўлга киритиш бўйича янги турмахсулот ишлаб чиқиш ва уни реклама қилишда маънавий ва таълимий жиҳатларга урғу бериш тавсия этилади.

Глобал инқироз миллий туристик корхоналаримизни қийинчиликларга дучор қилишдан ташқари, ютуққа эришиш учун бир канча қўшимча имкониятлар ҳам яратиб беради:

а) Кам самарали ишловчи корхоналар ёпилиб кетиши оқибатида илғор, самарали ишловчи корхоналар уларнинг бўшаб қолган бозорларини эгаллаб олишлари осонлашади, инқироздан омон чиққан корхоналар келажакда ўз соҳаларининг етакчиларига айланишлари кутилмоқда.

б) Соҳадаги кичик корхоналар ўзаро бирлашиб, янада кучли ва молиявий мустаҳкамроқ корхоналарни пайдо қилишлари мумкин.

в) Ёпилиб кетган корхоналарнинг юқори малакали ходимларини ўз корхонасига жалб этиш осонлашади.

г) Бутунлай янгича турмахсулотларни яратиб, жаҳон туризм бозорида мустаҳкам мавқени эгаллаш имконияти пайдо бўлди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, инқироз ўтганидан сўнг ўзини биринчилардан бўлиб тиклайдиган соҳалардан бири туризм бўлади. Бундан олдин 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик хуружи ёки 2003 йилда Сарс эпидемияларининг тарқалиши туфайли жаҳон туризмнинг ривожланиш суръатлари пасайганида, шу воқеалар ўтиб кетиши билан халқаро туризм йилига 10 %дан ўсган эди.

ХУЛОСАЛАР

Туркияда туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган магистрлик диссертацияси натижаларини умумлаштириш куйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг боши жаҳон иқтисодиётида ва халқаро иқтисодий муносабатларда чуқур сифат ўзгаришлари билан тавсифланади. Халқаро меҳнат тақсимооти асосида жаҳон хўжалиги мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг чуқурлашуви, мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий, илмий-техника алоқаларининг кенгайиши юз бермоқда. Бундай ўзгаришлар натижасида халқаро туристик алоқалар кенгайиб, халқаро туризмнинг жаҳон хўжалигига ва халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири кучаймоқда. Шу муносабат билан ҳар бир мамлакат ўзининг туристик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу тармоқни ривожлантиришга, туризм соҳасининг экспорт салоҳиятини оширишга ҳаракат қилади.

2. Туризмга иқтисодий тизим сифатида баҳо бериш туризмнинг ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида моҳиятини очиб бериш билан бирга унинг фаолият механизмининг англаб олиш имконини беради.

Туризм моҳиятан мураккаб тузилма ҳисобланади. Яхлит тизим сифатида у, энг аввало, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик ва экологик муҳит билан ўзаро таъсирда бўлади. Ташқи дунё туризмга фаол таъсир кўрсатади. Баъзи ҳолларда у туризм учун кенг имкониятлар яратиб берса, баъзан ривожланишга тўсқинлик қилади. Шу сабабли туризм тизим сифатида барқарор ривожланиши учун ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиши зарур.

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг туризм саноати ривожланишига таъсирини халқаро туризм ривожланишига оид қатор кўрсаткичларда кузатиш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2008 йилга қадар туризм бозори барқарор ривожланиб келди. Агар 1995 йилда жаҳон бўйича туристик ташрифлар сони 536 млн кишини ташкил этган бўлса, 2008

йилга келиб бу кўрсаткич 919 млн. кишига етди, яъни таҳлил қилинаётган давр мобайнида жаҳон миқёсида туристик ташрифлар сони 1,7 мартага кўпайди. Натижада жаҳон бўйича туризмдан олинган даромадлар 1995 йилда 405 млрд. АҚШ долларида 2008 йилда 944 млрд. АҚШ долларигача ўсди. Туризмнинг жаҳон хизматлар бозоридаги улуши эса 30 фоизни ташкил этди. Келтирилган маълумотлар туризмнинг энг истиқболли тармоқлардан бири эканлигини кўрсатади. Аммо 2008 йилдан бошлаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида жаҳон бўйича туристлар ташрифини ўсиш суръатларида пасайиш кузатилади. Хусусан, 2009 йилда туристик ташрифлар сони 2008 йилга нисбатан 4,2 фоизга қисқариб, 880 миллион кишига тушиб қолди.

4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан энг тез суръатларда халос бўлган тармоқлардан бири ҳам туризм соҳаси бўлди: 2010 йилдаёқ жаҳон бўйича туристик ташрифлар сони 2008 йил даражасидан ўтиб кетди ва 939 млн кишини ташкил этди, 2011 йилда эса яна 4,3 фоизга кўпайиб 980 минг кишига етди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини жаҳон бўйича туристик ташрифлар сонининг ўртача қўшимча ўсиш суръатларида янада яққол кўриш мумкин. Агар 2004-2007 йилларда жаҳон миқёсида туристлар ташрифининг ўсиши ўртача 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 1,8 фоизни ташкил этган, холос. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро туризм ривожланишига таъсири 2008 йилнинг иккинчи ярмида янада яққол сезида бошланди: агар 2008 йилнинг биринчи ярмида туристлар ташрифи 2007 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 5 фоизга кўпайган бўлса, 2008 йилнинг иккинчи ярмида бу кўрсаткич 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 1 фоизга камайди. 2009 йилда эса 4,2 фоизга қисқарди. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, туристлар сонининг пасайиши тенденциясига 2010 йилдаёқ барҳам берилди.

5. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг туризм соҳаси ривожланишига салбий таъсирини туристлар ташрифи бўйича жаҳоннинг энг

ривожланган мамлакатларига ташриф буюрган туристлар сони динамикасида ҳам кўриш мумкин.

6. Туристлар ташрифи бўйича етакчи мамлакатларнинг барчасида 2000-2010 йилларда туристик ташрифлар сони ўсиш тенденциясига эга бўлган. Айниқса, Туркия, Хитой ва Германияда туристлар ташрифи сони сезиларли миқдорда ўсган бўлиб, таҳлил қилинаётган давр мобайнида бу мамлакатларда туристик ташрифлар сони мувофиқ равишда 2,2; 1,8 ва 1,4 мартага кўпайган. Айни вақтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири натижасида 2009 йилда 2008 йилга нисбатан Францияда туристик ташрифлар сони 3,2 фоизга, Испанияда 8,8 фоизга, АҚШда 5,1 фоизга, Хитойда 4,1 фоизга, Германияда 2,7 фоизга, Буюк Британияда 6,4 фоизга камайган.

7. Шу билан бирга Италияда туристлар ташрифи 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 1,2 фоизга ва Туркияда 2 фоизга ўсган. Глобал инқироз шароитида бу мамлакатларда туристик ташрифлар сони ўсишининг ўзига хос сабаблари мавжуд. Хусусан, Туркияда туристик ташрифлар сонининг ўсиши мазкур мамлакатга ташриф буюрувчи туристлар таркиби билан боғлиқ. Гап шундаки, анъанавий равишда Туркияга ташриф буюрадиган туристларнинг аксарият қисми МДХ мамлакатлари, энг аввало, россиялик туристлар ҳисобланади. Глобал инқироз Россиянинг ўрта қатлам аҳолиси даромадларига кучли таъсир кўрсатди. Шу сабабли илгари нисбатан қимматроқ мамлакатларга ташриф буюрган россиялик туристлар ҳам дам олиш маскани сифатида Туркияни танлай бошладилар. Шу билан бирга Туркияда сўнгги йилларда туризм ривожланишига мамлакат ҳукумати томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

8. Таҳлиллар шундан далолат берадики, 2000-2010 йиллар давомида жаҳоннинг етакчи мамлакатларида туризмдан олинган даромадлар ҳажми сезиларли даражада ошган. Айниқса, Хитой (2,9 марта), Туркия (2,7 марта), Германия (1,9 марта) ва Испания (1,7 марта)да туризмдан олинган даромадлар ҳажми юқори суръатларда ўсган. Бу ҳолат ушбу мамлакатларда

туризмни ривожлантириш тизимли тарзда йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Шу билан бирга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бу мамлакатларда туризмдан олинган даромадлар ҳажмига таъсир кўлами турлича бўлди. 2009 йилда таҳлил қилинаётган мамлакатларнинг барчасида даромадлар ҳажми пасайган. Жумладан, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан туризмдан олинган даромадлар ҳажми АҚШда 14,7 фоизга, Испанияда 13,7 фоизга, Францияда 12,7 фоизга, Италияда 12 фоизга, Хитойда 2,9 фоизга, Буюк Британияда 16,3 фоизга, Германияда 13,2 фоизга, Туркияда 3,2 пасайган.

9. Туркияда туризм ривожланишининг табиий-объектив омилларига:

- Географик қулайлиги;
- Иқлим қулайлиги;
- Турк ошхонасининг бойлиги ва машҳурлиги;
- Туркияда тарихий жойларнинг кўплиги киради.

Ижтимоий-иқтисодий омилларга:

- Иқтисодий ислохотларнинг жадаллаштирилганлиги
- Европа Иттифоқи давлатлари билан яқиндан савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожлантирилаётганлиги,
 - иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетишининг олди олинаётганлиги
 - экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожлантирилаётганлиги
 - миграцион жараёнларнинг (ички ва ташқи) рағбатлантирилаётганлиги кабилар киритилади.

10. 2008 йилга келиб эса Туркия туризмдан келадиган даромад ҳажми ва туристлар сони бўйича дунёдаги етакчи 10 талик мамлакатлар каторидан ўрин олди. Яъни 2008 йилда мамлакатга ташриф буюрган туристлар сони 26 млн кишини, туризм келтирган даромадлар эса 21 млрд долларни ташкил килди. Бу кўрсаткич 2008 йилда иқтисодиётнинг туризм секторидаги ўсиш 13%ни ташкил килганини, айнан шу даврда бу кўрсаткич дунё бўйлаб 2%дан

ошмаганини кайд этиш жоиз. Айнан 2008 йилдаги туризмнинг Туркиядаги ўсиш кўрсаткичлари бутун Африкадаги туризмнинг ўсиш кўрсаткичларига тенгбўлди. Шунингдек 2008 йилда Анталия қабул қилган туристлар сони 9 миллион кишини ташкил қилди, бу кўрсаткич узининг эҳромлари довруг қозонган Мисрга ташриф буюрган туристлар сони билан таққослаш мумкин.

2011 йилда туризмдан келадиган даромадлар 28 млрд. долларни ташкил этди. Айни вақтда шу йили мамлакатга 40 млн турист ташриф буюрган.

12. Туркия туризм ривожланиши бўйича Яқин ва Ўрта шарқ минтақасида тараққий этган инфратузилмага ва жуда такомиллашган маркетинг стратегиясига эга.

Мамлакатнинг Эгей, Ўрта Ер денгиз минтақаси туризм салоҳияти мужассамлашган ҳудуд ҳисобланади. Бу минтақада Анталя, Алания, Мармара, Қушадаси ороллари, шунингдек, Бордрум, Фатҳия ва Каш марказлари мавжуд. Трабзон, Гиресун, Ризе, Илгаз, Болу, Абанд каби ҳудудларда куруқлик ҳудуди билан боғлиқ туристик фаолиятлар ривожланган. 2009 йил давомида Анталияга 4,8 млн. киши ташриф этди. Бу Туркияда энг кўп сонли турист жамланадиган шаҳар ҳисобланади. Йирик истамбул шаҳрига шу йили 4,3 млн. киши ташриф буюрган.

Кейинги ўринларда Муғла, Эдирне, Измир, Айдин, Анқара шаҳарлари кейинги ўринлардан жой олмоқда. Агар 2001 йилда турикяга 11 млн. 600 мингдан ошиқ турист ташриф этган бўлса, 2005 йилда 13 млн. кишидан ошиқни, 2009 йил давомида бу кўрсаткич 12 млн. 250 минг кишидан ошиқни ташкил этди.

Жаҳон туризм ташкилоти тахминларига кўра, “Туризм: 2020 Европа қарашлари” докладида Туркия туризмдан келадиган даромад ҳажми бўйича 2020 йилда Франция, Испания ва Италиядан кейин Европада 4 ўринни эгаллайди. Бу йили туризмдан келадиган умумий даромад 40 млрд. АҚШ долларидан ошиши режалаштирилмоқда. Бу даврга яъни 2020 йилга келиб Туркияга 60 млн. киши ташриф этиши тахмин қилинмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2011. - 40 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 140-153-бетлар.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 154-160-бетлар.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.:Ўзбекистон, 2002. - 46-72-бетлар.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси, 2000 йил 13 июнь.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 9 апрель.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2009 йил 23 апрель.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. - 66 б.

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 74 б.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

2.6. Каримов И.А. Мулкдорлар синфини шакллантириш - ислохотларнинг бош мезони. //Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 5-том. -332-339 б.

2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

2.8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 96 б.

2.9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2.10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

2.11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат

қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

2.12. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги бошқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. - “Халқ сўзи”, 2012, 20 январь.

III. Китоблар ва монографиялар

3.1. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: Историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: Учеб. пособ. 2-е изд., испр. и доп. - М.: Аспект Пресс, 2007. – 319 с.

3.2. Агамирова Е.В Управление персоналом в туризме и гостинично-ресторанном бизнесе: Практикум – 2-е изд., испр. и доп. – М.: «Дашков и К», 2008. – 180 с.

3.3. Азимов А. Путеводитель по науке. От египетских пирамид до космических станций / Пер. с англ. – М.: Центрполиграф, 2007. – 788 с.

3.4. Александрова А.Ю. Международный туризм. – М: ГРИФ, 2004. - 470 с.

3.5. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М: Юристъ, 2001. - 368 с.

3.6. Багиев.Г.Л. и др. Международный маркетинг. учеб. -СПб.: Питер, 2008. - 688с.

3.7. Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. учеб. - СПб.: Питер, 2008. - 736с.

3.8. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М: Финансы и статистика, 2000. – 176 с.

3.9. Балашова Е. А. Гостиничный бизнес. Как достичь безупречного сервиса /Екатерина Балашова. – М.: Вершина, 2007. – 208 с.

- 3.10. Барышев А.Ф. Маркетинг в туризме и гостеприимстве: учеб. пособие /А.Ф. Барышев. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 160 с.
- 3.11. Баумгартен Л.В. Стратегический менеджмент в туризме: учеб. пособ.– М.: «Академия», 2007. – 352 с.
- 3.12. Бгатов А.П. Безопасность в туризме: учеб. пособ. – М.: ФОРУМ, 2007. – 176 с.
- 3.13. Биржаков М.Б., Нификов В.И. Большой глоссарий терминов международного туризма. – М: 2002. - 704 с.
- 3.14. Биржаков М.Б. Введение в туризме. Изд. 9-е, перераб. и доп. – СПб.: Герда, 2008. – 576 с.
- 3.15. Боголюбов В. С. Экономика туризма: Учеб. пособ.— М.: «Академия», 2005. — 192 с.
- 3.16. Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика: учеб. пособ.– М.: КНОРУС, 2007. – 328 с.
- 3.17. Бутко И.И., Ситников В.А., Транспортное обслуживание туризма: Учеб. пособ.– М.: ИКЦ «МарТ», 2006. – 336 с.
- 3.18. Бутко И.И. и др. Туристический бизнес: основы организации. Изд. 2-е. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. – 384 с.
- 3.19. Булатова М.А., Седова И.В. Гостиничный бизнес: учет и налоги. – М.: ООО ИИА Налог Инфо, ООО Статус-Кво 97, 2008. – 184 с.
- 3.20. Быстров С.А., Воронцова М.Г. Туризм: макроэкономика и микроэкономика. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2008. – 464 с.
- 3.21. Ветитнев А.М. Интернет-маркетинг санаторно-курортных услуг: метод, пособ. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 160 с.
- 3.22. Веткин В. А. Технология создания туристского продукта. – М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2008. – 200 с.
- 3.23. Волков Ю.Ф. Гостиничный и туристский бизнес. - Ростов н/Д: Феникс, 2008.– 637с.
- 3.24. Волков Ю.Ф. Введение в гостиничный и туристический бизнес. – Ростов н/Д: «Феникс», 2004. – 352 с.

- 3.25. Восколович Н.А. Маркетинг туристских услуг: Учеб. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 207 с.
- 3.26. Воскресенский В.Ю. Международный туризм: учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 255 с.
- 3.27. География туризма: учеб. /кол. Авторы; под ред. А.Ю. Александровой. 2-е изд., испр. и доп. - М.: КНОРУС, 2009. – 592 с.
- 3.28. Голованов В.В. Маркетинг. Тесты и упражнения на англ. яз: учеб. пос. - М.: Дрофа, 2008.-159 с.
- 3.29. Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика: учебник. – М.: «Финпресс», 2008. – 496 с.
- 3.30. Голубков Е.П. Основы маркетинга: учебник. – М.: «Финпресс», 2008. – 704 с.
- 3.31. Горенбургов М.А., Медведев А.Л. Бизнес-планирование в гостиничном и ресторанном деле: Учеб. пособ. – СПб.: Д.А.Р.К., 2008.– 200 с.
- 3.32. Горовиц Жак. Сервис-стратегия: управление, ориентированное на потребителя: пер. 2-го англ. изд. – М.: Дело и Сервис, 2007. – 288 с.
- 3.33. Грачева О.Ю. и др. Организация туристического бизнеса: технология создания турпродукта: Учеб.-практ. пособ. – М.: Дашков и К, 2009. – 276 с.
- 3.34. Грибов В.Д. Экономика предприятия сервиса: учеб. пособ. - 2-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2008. - 280 с.
- 3.35. Драчева Е.Л. Специальные виды туризма. Лечебный туризм: учебное пособ. – М.: КНОРУС, 2008. – 152 с.
- 3.36. Драчева Е.Л., Забаев Ю.В., Исмаев Д.К. и др. Экономика и организация туризма: международный туризм: учеб. пособ.– 3-е изд., испр. и доп. – М.: КНОРУС, 2007. – 576 с.
- 3.37. Дурович А.П. Маркетинг в туризме. Минск: ООО «Новое знание», 2006. - 489 с.

IV. Илмий мақолалар ва брошюралар

- 4.1. Абатуров В. Людям не сидится дома. //Экономическое обозрение. – 2005. - №6. – с.19-22.
- 4.2. Абидова Д.И. В заграничную поездку захватите полис. //Журнал «Налогоплательщика». 2005. - №9. – с. 17-19.
- 4.3. Артыков Ж.Ю. Транспортная стратегия Республики Узбекистан в XXI веке. //Халқаро муносабатлар. - 2004. - №2. – с.39.
- 4.4. Ашурова Д., Арзикулов Н. Проблемы развития туризма в регионе. //Экономика и класс собственников. – 2002. - №3. – 46-50 б.
- 4.5. Без руля и ветрил. //Туринфо. – 1999. - №14. – с.1.
- 4.6. Бурцев А. Программные продукты систем бронирования. //Туризм: практика, проблемы, перспективы. – 1998. - №11. – с.22-23.
- 4.7. В XXI веке у туристов будет больше денег, но меньше времени на путешествия. //Туринфо. – 1998. - №13. – с.6.
- 4.8. Герасимов А. Статистика туризма и средний класс. //Туризм: практика, проблемы, перспективы. – 1998. - №9. – с.8.
- 4.9. Гольшева Е. Мировые тенденции и развитие туристского потенциала Узбекистана. //Экономическое обозрение. – 2004. - №10. – с.54-59.
- 4.10. Камилова Ф., Камилов З. Туризм соҳасининг ривожланиш истиқболлари. //Иқтисодий ва таълим. – 2004. - №1. – 64-68 б.
- 4.11. Комилова Ф.К. Мукамал туризм ғояси. // Иқтисодий ва таълим. – 2003. №2. – 94-98 б.
- 4.12. Назарова Г. Комилова Ф. Ўзбекистонда туризм имкониятларини кенгайтириш. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2000. 48-49 б.
- 4.13. Намозов О., Бикбаева Г. Взгляд на экономику международного туризма. // Экономическое обозрение. – 2005. - №6. – с.14-18.

4.14. Норчаев А.Н., Тошмуратов Т.Т. Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда туризм. //Жамият ва бошқарув. - 2000. - №4. - 67-69 б.

4.15. Норчаев А.Н. “Евро”нинг халқаро туризм ривожланишидаги аҳамияти. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - 2000. - №8. - 36-37 б.

4.16. Папаев С. Сертификация туристских услуг. //Туризм: практика, проблемы, перспективы. – 1997. - №1. – с.20-23.

4.17. Перспективы туризма в третьем тысячелетии. //Каспий сегодня. – 2002. - №2. – с.34-36.

4.18. Поливанова А. НДС в туризме. //Вестник РАТА. – 1998. - №11. – с.11-12.

4.19. Проект развития туризма в Китае. //Каспий сегодня. – 2002. - №2. – с.36-37.

4.20. Пугач И. Что мешает частному турбизнесу. //Экономическое обозрение. – 2005. - №6. – с.23-30.

4.21. Пугач И. Экспортный потенциал туризма в Узбекистане. //Экономическое обозрение. – 2005. - №6. – с.32-40.

4.22. Сайфутдинов Ш.С. Кони фойда. //Солиқ тўловчининг журнали. – 2007. №2. – 42-43 б.

4.23. Сайфутдинов Ш.С. Туризм соҳасида – маркетинг. //Бозор, пул ва кредит. – 2007. №7. – 63-64 б.

4.24. Сафаева С.Р. Туризм в Угам – Чаткальском национальном природном парке. //Газета «Заповедные острова». – 2005. - №1. г. Москва. – с. 26-27.

4.25. Сафаева С.Р. Туробразование: инструкция к применению. – 2005. //Газета Деловой партнер. Уз. - №34.

4.26. Файзиева Н. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришнинг қонунчилик асосари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. – 1997. - №1-2. – 30-33 б.

4.27. Хамидов О. Сколько стоит турпродукт. //Экономическое обозрение. – 2005. - №6. – с.41-43.

4.28. Чернявский С. “Великий шелковы путь” и интересы России. // Мировая экономика и международные отношения. - 1999. - №6. – с.95-98.

V. Хорижий тилдаги адабиётлар

5.1. Anolic A. Travel Tourism and hospitality law USA Backspace Inc. 1995. – p.8.

5.2. Pim WH de Principles Travel law 2 European Travel law, chuchest John Willy Sons Ltd.

5.3. Dr. Mario, F.Karabadze. The New GATT: implications for the Travel and tourism industry. //European Travel law. - 1997.

5.4. Bonifase Priscilla. Managing Quality Cultural Tourism. London, 1995. – p. 127.

5.5. Foster D. VIP: An Introduction to Hospitality. Lake Forest: Mc Graw-Hill, 1993. – p.251

5.6. Foster D. Sales and Marketing for the Professional – Lake Forest: Mc Graw-Hill. 1993. – p. 191.

5.7. Foster D. The Business of Travel: Agency Operations and Administration. – Lake Forest: Mc Graw-Hill, 1993. – p.192.

5.8. Foster D. The Business Hospitality: Back office Operations and Administration. – Lake Forest: Mc Graw-Hill, 1993. – p. 206.

5.9. Caster W. Tourism Development: Principles, Price and Policies. – New York: John Wiley and Sons. Inc. 1996. – p.539.

5.10. Gee Ch.Y., Makens J.C., Chey D. The Travel Industry. – 3d Edit. – New York: John Wiley and Sons. Inc. 1997. – p. 495.

5.11. McIntosh, Robert W. Et all. Tourism: Principles, Practices, Philosophies. – 7 th ed. – New York: John Wiley and Sons. Inc. 1995. – p.551.

5.12. Kotler P., Bowen J., Makens J. Marketing for Hospitality and Tourism. – 2 th. Upper Saddle River: Printed Halle, 1998. – p.800.

5.13. Lundberf D., Krishnamorthy M. Tourism economics. – New York: John Wiley and Sons. Inc. 1995. – p.196.

5.14. Oppermann Martin and Kye-Sung Chon. Tourism in Developing Countries. 1-ed. London. 1997. – p.177.

5.15. Seth P. Successful Tourism Management: Fundamentals of Tourism. – New Delhi: Sterling Publish Private. Ltd. 1997. – p.367.

5.16. Seth P. Successful Tourism Management: Tourism Practices. – New Delhi: Sterling Publish Private. Ltd. 1997. – p.376.

VI. Маълумотномалар ва статистик тўпламлар

6.1. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2006. – 97 б.

6.2. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. Т.: 2008. – 128 б.

6.3. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2009. – 102 б.

6.4. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2010. – 145 б.

6.5. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2011. – 87 б.

6.6. World Tourism Organization, 1/2009.

6.7. World Tourism Organization, 2/2009.

6.8. World Tourism Organization, 3/2009.

6.9. UNWTO World Tourism Barometer. Volume 8, №3 Oktober 2010.

VII. Интернет манбалари

- 7.1. www.travel.ru
- 7.2. www.Palomnik.Ru
- 7.3. www.Uzland.Uz
- 7.4. www.Uzreports.uz
- 7.5. www.Uzbektourism.uz
- 7.6. www.world-tourism.org
- 7.7. www.e-tours.ru
- 7.8. www.uzland.uz
- 7.9. www.stat.uz
- 7.10. www.unwto.org